

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:371.96

МАДАМИНОВ БАХРОМЖОН МАНСУРЖОНОВИЧ

**ЧҚБТ фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни тадбиқ
қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

5А-111501 Чақириққача ҳарбий таълим мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
А.Болтабоев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ЧАҚИРИҚҚА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, УЛАРНИНГ МАНБААЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРТИБИ.	7
1. Янги педагогик технологиялар, уларнинг манбаалари ва жорий этиш тартиби	7
2. Педагогик технологиялар тушунчаси, таълим самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси.	15
3. Ҳозирги замон анъанавий ва ноанъанавий таълими.	22
1- боб бўйича хулосалар	
II. БОБ. ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	28
1. Педагогик технологияларнинг илмий асослари ва унинг аспекти	28
2. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигига асосланган педагогик технологиялар. Интерактив технологиялар	33
3. Шахсга йўналтирилган технологиялар. Ҳамкорлик педагогикаси	40
4. Ўқитишнинг интерфаол услублари ва улардан фойдаланишнинг методологик асослари	44
5. Педагогик ўйин технологиялари	57
2- боб бўйича хулосалар	
III. БОБ. ТАДҚИҚОТ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ	67
1. Тажриба ва назорат гуруҳларида эришилган натижалар динамикаси	67
3 - боб бўйича хулосалар	73
Якуний хулосалар	75
Адабиётлар рўйхати	77
Иловалар	80

Кириш:

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок, айниқса, сўнги йилларда маънавият ва маърифат масалаларига таълим тизимини такомиллаштириб, уни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида” ги Қонуннинг¹ қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Бу муҳим ҳужжатлар истиқболий ҳарактерга эга бўлиб, уларнинг мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштиришда қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Ўтган давр ичида таълимни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, уларнинг бажарилиши бўйича дастлабки ютуқлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Таълим мазмунини ислоҳ қилиб, уни жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» зарурияти ҳам кўрсатиб ўтилган².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 мартдаги қарорига биноан, республикамиз олий ўқув юртларига ёшларни тест усулида қабул қилишни жорий этилиши, Ўзбекистон мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи марта жаҳон педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганишга йўл очганлигидан далолат беради. Республикамизда тест усулини Давлат

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” 1997 йил 29 августда тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларига абитуриентларни тест усулида ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 мартдаги қарорига биноан тасдиқланган.

аҳамиятидаги масала даражасига кўтарилганлиги, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам кенг имконият яратди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча ўқув юртларида илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича аниқ мақсад сари самарали ишлар амалга оширилмокда. Жумладан, 1997 йил апрел-июн ойларида ўтказилган Республика илмий-амалий семинарлар дастурида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласи ўз аксини топган. Ўша йили август ойида «Муаммолар» институтида «Илғор педагогик технологиялар» бўйича жадаллаштирилган малака ошириш курси ташкил қилиниб, унда профессор Б.Л.Фарberman қизиқарли маърузалар ўқиди. У таъкидлаганидек: «кўп босқичли таълим тизими, янги стандарт ва ўқув дастурлари жорий этилаётган ҳозирги даврда ўқитишни эскича метод билан олиб боришга йўл қўймаслик керак».

Ўтган давр мобайнида бу институт томонидан Республикамиздаги бир нечта олий ўқув юртларида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласига бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтказилди. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида Республика (8-9 апрел) ва 7 та ҳудудий семинарлар ўтказилди.³ Бу эса, Ҳозирги кунда педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш, Вазирлик миқёсида энг долзарб масалалардан бири эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ҳозирги вақтда ўқув юртларининг ЧҚБТ раҳбарлари фаолияти билан танишиб чиқилганда, аксарият ЧҚБТ раҳбарлари, фан бўйича машғулотларни ташкиллаш ва ўтказишда зарур бўладиган ҳужжатлар, уларни юритиш, машғулотларни режалаштириш тартиби, ҳозирги кунда машғулотларда фойдаланиш мумкин бўлган ўқитишнинг янги шакл ва услубларидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари, ҳамда анъанавий

³ «Таълим муаммолари» журнали 1999 и. №1-2 сон

таълим методларининг зарур деб ҳисобланган турларини сақлаб қолиш ва уларни янги элементлар билан бойитиш масалаларида қийинчилик ва тушунмовчиликларга дуч келаётганлари маълум бўлмоқда. Шу каби муаммоларни ёритиб беришга бўлган ҳаракат, тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети.

Ўрта махсус касб ҳунар-коллежлари ва академик лицейлар, ҳамда ўрта умумтаълим мактабларида талаба ёшларнинг ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари фанини ташкиллаш ва режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси.

ЧҚБТ раҳбарлари ва ўқитувчилари учун методик ёрдам кўрсата оладиган маълумотга эга бўлиш ва ўқитишнинг замонавий технологияларини бевосита машғулотларда қўллай олишни йўлга қўйишга кўмаклашиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

ЧҚБТ машғулотларини самарадорлигига эришишда машғулотларни тўғри ва илмий асосда ташкил этиш, ҳамда уни мақсадга мувофиқ режалаштиришни йўлга қўйиш, қолаверса ЧҚБТ раҳбарлари ва ўқитувчилари учун методик ёрдам кўрсата оладиган маълумотга эга бўлиш ва ўқитишнинг замонавий технологияларини бевосита машғулотларда қўллай олишни йўлга қўйишга кўмаклашиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.

Мавзу билан ишлаш давомида қуйидаги адабиётлар ва материаллардан фойдаланилди.

- ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар;
- асосий ва қўшимча адабиётлар, услубий қўлланмалар, тавсиялар;
- архив маълумотлари;
- даврий матбуот материаллари;
- интернет материаллари.

Тадқиқотда қўлланилган методлар.

Тарихий, фалсафий, маънавий, психологик, педагогик адабиётларни илмий-назарий жихатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш, меъёрий хужжатлар, кўрсатмалар, дастур ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш, педагогик таҳлил, сўровнома, суҳбат, тажриба – синов ишлари, математик-статистик таҳлил асосида натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

Ватанимиз мустақиллиги ва унинг чегараларини дахилсизлигини юксак даражада таъминлай оладиган ёш авлодни тарбиялашда, ЧҚБТ ва ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларини аҳамияти ва ролини ошириш, ўқув фанининг ташкилланиши ва режалаштиришда ЧҚБТ раҳбарларига методик ёрдам кўрсатиш ишларига ҳисса қўшиш, тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Ўқув муассасаларида ЧҚБТ фанини ташкиллаш ва режалаштиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари мавзуси Фарғона давлат университети ҳарбий кафедраси катта ўқитувчилари А.Акбаров, Ш.Тилаваолдиев, Ҳ.Рахмобердиев, Низомий номидаги ТДПУ ҳарбий кафедрасининг катта ўқитувчиси А.Ю.Сотволдиев, Россияда Е. И. Перовский, Е. Я. Голант, Д. О. Лордкипанидзе томонидан ўрганилган. Бироқ мавзу муаллифларнинг умумий ҳажмда бажарган ишларининг таркибий қисмига мансуб бўлиб, айнан ушбу мавзуда алоҳида тадқиқотишлари олиб болилмаган.

Диссертация таркибининг қисқача таркиби.

Диссертация кириш, асосий қисмда учта боб, тўққизта параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I-БОБ ЧАҚИРИҚҚА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, УЛАРНИНГ МАНБААЛАРИ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРТИБИ.

1. Янги педагогик технологиялар, уларнинг манбаалари ва жорий этиш тартиби.

Педагогик технология нима? Нега бу сўз бирикмасига «янги» сўзини қўшимча қилиб, «янги педагогик технология» деб атаймиз? У нима учун бугунги таълим-тарбия жараёнида заруратга айланди? Нега энди шунча йиллардан бери кунимизга яраб келган таълимни ташкил этиш амалиётидан воз кечишимиз керак, ўқув жараёнида қўллаб келинаётган лойиҳалашга янгича ёндашиш нима учун зарур бўлиб қолди?

Бу каби саволларга жавоб бериш учун, энг аввало, мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий йўналишларини аниқлаб олмоқ лозим. Бу йўналишлар:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмини яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларини шакллантириш;
- ва ниҳоят, бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишдан иборат.⁴

Хулоса қилиб айтсак, янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режаси, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндашиш, уни янгича ташкил этиш зарурияти туғилмоқда.

⁴ Ж.Ғ. Йўлдошев. «Таълим янгиланиш йўлида». Тошкент. «Ўқитувчи». 2000 йил. 21-22 бетлар.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, биз «Мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак».⁵ Шу сабабли ҳам биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, такомиллаштириш, хусусан, таълим мазмунига нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил этувчи - ижодий фаолият тажрибаси, теварак атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Бу ғояни, фикримизча, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар).

Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда, далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур. Лекин бу ишлар ўз ечимини топганича йўқ. Очiqчасига айтайлик: Қайси дарсликлардан Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» ёки «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» каби асарларида кўтарилган ғоялар ўрин олган? Жавоб йўқ. Эндиги вазифа дарсликларнинг кейинги нашрларида бундай камчиликларни тузатишдан иборат.

⁵ И.А. Каримов. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Тошкент. “Шарқ” НМК. 1997 йил.

Айниқса, дарслик ва ўқув қўлланмаларда терминологик қатъийлик, бир қийматлиликлка эришиш керак. Бунинг сабаби шуки:

- биринчидан, дарслик ва ўқув қўлланмаларда фан эришган якуний натижалар яхлит ҳолда акс этади, бу эса бизга унинг амалиётта таъсир даражасини ташхис қилишимизга имкон беради;
- иккинчидан, дарсликлар ўқув қўлланмалари она тили (терминология)нинг юксак даражадаги намунасини кўрсата олиш маҳоратига эга бўлган олимлар томонидан яратилади. Дарслик ва ўқув қўлланмалари тили уларни ўқийдиган китобхонлар (ўқувчилардан ташқари талабалар, ўқитувчилар, методистлар, олимлар, ота-оналар) саводхонлигига бевосита таъсир этади.

Дарсда ўқитувчи асосий сиймо. У ахборот бериш, матнларни баён қилиш, тезроқ, янада тезроқ ўқитиш билан овора. Лекин ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш даражалари ҳар хил, хоҳиш истаклари турлича, улар пассив эшитувчи, бу уларни ўқув жараёнида масъулиятини, жавобгарлик ҳиссини сусайтиради. Демак, улар мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, амалий хулоса чиқаришдан йироқда.

Унда нима қилмоқ керак? Дарс жараёнида, таълим тарбияда ўқувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч, таълим жараёнининг субъекти бўлиши керак, яъни ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш ўқувчи зиммасига ўтиши керак.

Ўқитувчининг вазифаси эса ўқитишдан ўқишни ўргатишга, билим беришдан ўқувчиларнинг билимларини мустақил эгаллашларига кўмаклашишдан иборат бўлиши керак. У ўқувчида эҳтиёж туғдириши, муҳит яратиши ва уни масъулиятни ҳис қилишга йўллалаш керак. Ҳар бир дарс олдида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир-бири билан узвий алоқада бўлган учёқлама мақсадлар қўйилади. Дарсни ташкил қилиш шакли ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлиб, у мақсадларга, ўқув материаллари хусусиятларига, таълим методларига ва ўқув имкониятларига боғлиқ. Бунга эришиш учун ўқитувчи

рахнамолигида ўқувчилар билан биргаликда ҳаракат қиладилар. Худди мана шу жараёни дидактикада «ўқув жараёни» дейилади. Ўқув жараёнининг таркиби уч қисмдан иборат деб қаралади.⁶

Ўқув жараёнига бундай янгича қарашнинг туб моҳияти шундан иборатки, ўқитишда ички мотивациядан (диққатни тортиш, ички туйғу, истак, заруратни шакллантириш) келиб чиқиш керак. Ўқув жараёнида асосий ҳаракатлантирувчи куч - ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, дарсликларимиз тили равон, содда, ихчам, ўқувчи ҳаёти, фаолиятига яқин матнлардан ташкил топгандагина, у болаларнинг сеvimли китоби бўлади, ўқувчилар мустақил ҳолда ўрганиши мумкин бўлган «иккинчи ўқитувчи» вазифасини бажаради, тўла маънодаги билим манбаига айланади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, дидактиканинг семантик жиҳатларини аниқлаш кам ўрганилган соҳаларга киради. Ҳанузгача тушуниш муаммоси (моҳияти) олимлар томонидан турлича талқин қилинади, дидактлар семантик жиҳатдан мураккаб матнлар ва ғояларни баён қилиш усуллари устида кам бош қотирмоқдалар. Илмий концепциялар мураккаблашиб, чуқурлашиб бораётган ҳозирга даврда семантик муаммолар ўқув материалларини баён қилиш, ўқувчиларни фан ривожининг янги даврини ташкил қилувчи назарияга эртароқ олиб кириш, таълимда далиллар билан назария муносабатларини ҳал қилишга ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу масала ҳам тезроқ ўз ечимини топиши керак.

Бир муаммо устида тўхталишни лозим топдик. Гап шундаки, биз кўпинча «таълим мазмуни» билан «ўқув фани мазмуни» тушунчаларини бир хил деб қараймиз. Аслида ундай эмас. Олдинга тушунча кенгрок, яъни ўқув фани мазмуни фақат шу фанга оид билимларни - тушунча, ҳукм, хулосаларни ўз ичига олади. Таълим мазмуни эса, бундан

⁶ Ж.Ғ. Йўлдошев. «Таълим янгиланиш йўлида». Тошкент. «Ўқитувчи». 2000 йил. 23 бет.

ташқари, илмий билиш методлари, усуллари ва амаллари, яъни ўқувчиларда мустақил билиш малакаларини ҳосил қилувчи методологик билимларни (таъриф, исбот, таҳлил, синтез, индукция, дедукция, таснифлаш, системалаштириш умумлаштириш ва бошқаларни) ҳам ўз ичига олади.

Ўқувчиларда билим олишга интилиш (худди бензини бўлмаган автомашина ўрнидан қўзғала олмагани каби, билим олмасанг, сенинг ҳаётда ўрнинг йўқ, жамиятга қўшила олмайсан) ва билим олишга эҳтиёж бўлиши, ўқиш мақсадлари ички заруратга айланиши керак. Ўқувчи реал ҳаётга кириб бориши, унда фаол иштирок этиши учун билим, кўникма ва малакалар билан бирга, илмий билиш методларига эга бўлиш кераклигини онгли равишда тушуниб етиши лозим. Чунки, очик жамиятнинг асосий белгиси - бу дунёни англаб етиш ва унда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун эркин изланишдир.

Ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, уларда кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон берувчи дидактик принцип - бу таълимдаги фаолликдир. Фаоллик мезонлари онглилик принципи билан бевосита алоқадор. Чунки фаоллик бор жойда онглилик бўлади.

Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргаликда масъулдирлар. Улар биргаликда ҳар бир ўқувчининг билим ва қобилиятини, индивидуал эҳтиёжларини аниқлайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи фақат «баҳоловчи» эмас, балки янги билимлар етказувчи манбага айланади.

Жаҳон педагогик лексикони қаторидан аллақачонлар «инновация» тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча «янгилик», «ислоҳ» тушунчаларини англатади. Кенг маънода қараганда таълим тазимидаги ҳар қандай ўзгариш- бу педагогик инновациядир. Дастлаб бу тушунчалар ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан

қўлланар эди, сўнгра таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликларга нисбатан ишлатиладиган бўлди. Педагогик янгиликларнинг технология деб аталиши боиси ҳам шунда. Ҳозирги даврга келиб педагогик инноватика фани шаклланди. Педагогик инноватика - педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштириш, ниҳоят, уни амалиётда қўллаш ҳақидаги таълим сифатида қаралади.

Бу таълимот уч йўналишни ўз ичига олади.

- Биринчиси, педагогик неология (юнонча «нео» - «янги» ва «логос» ~ «таълим», яъни янгилик ҳақидаги таълимот) дейилиб, бунда педагогика соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар ўрганилади, умумлаштирилади.
- Иккинчиси, педагогик аксиология (юнонча «аксиома» - «исботланмайдиган таълимот» маъносини англатади) деб номланиб, бунда педагогик янгиликлар ичидан энг самаралилари танлаб олинади.
- Учинчиси, педагогик праксология (юнонча «пракс» - «ҳаракат» ва «логос» - «таълим», яъни «амалиётда қўллаш ҳақидаги таълимот» маъносини англатади) дейилади, бунда танлаб олинган педагогик янгиликларни амалиётда қўллаш, муайян самарага эришиш масалалари тушунилади.⁷

Ҳар қандай педагогик янгилик замирида бирон-бир ғоя ётади. Масалан, бунёдкор ўқитувчи С. Н. Лисенковнинг хилма-хил дидактик ихтиролари туб моҳиятини янги ўқув материални жадаллаштириб ўрганиш ғояси ташкил қилади. Бу тоя асосида эса ўқитувчининг болалар билан ўзаро ҳаракати ётади, яъни: синфда психологик бирлик вазиятини яратиш; ҳар бир ўқувчи ўз шахсини ўзи намоён этишини таъминлаш; ҳар бир методик ёндашув учун ўзига хос мулоқот йўлини танлаш; ўқувчилар ташаббусини зимдан бошқариб бориш ва бошқалар. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчи қалбига кириб бориш учун ўзининг дидактик усуллари, ташкилий шакллари орқали йўл топади.

⁷ Ж.Ғ. Йўлдошев. «Таълим янгиланиш йўлида». Тошкент. «Ўқитувчи». 2000 йил. 27 бет.

Дарсдаги ўқувчилар фаолиятига нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам раҳбарлик қилади. Аввало аълочи ўқувчи, кейин бошқа ўқувчилар ҳам ўқитувчи топшириғига биноан нима иш қилганини айтади ва қолган ўқувчиларни орқаларидан эргаштирадилар. Бундай «изоҳли бошқарув» ўқувчи мактаб остонасига қадам қўйган кундан бошланиши керак.

«Таянч сигналлар» ижодкори сифатида танилган В. Ф. Шаталовнинг дарсликларида ўқувчи шахсини рўёбга чиқарувчи, унинг кимлигини, нимага қодирлигини тасдиқловчи дидактик ўйинларга кенг ўрин берилган. Андижонлик ижодкор ўқитувчимиз М. Абдурасулов ўқувчиларни яхши ўқигани учун қандай рағбатлантирганини бир эслайлик. Шунга ўхшаш «педагогик ҳамкорлик ёки «ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари» ғояларини эсга олайлик. Шунингдек, «мантикий тестлар» (Самарқанд, кимё фани ўқитувчиси П. Каримов) «таълимий мусобақалар» (Хоразмлик математика ўқитувчиси У. Қўчқоров) ва шунга ўхшаш ғояларга назар ташлайлик.

Буларнинг ҳаммаси дидактик топилмалар, педагогик кашфиётлар, бир сўз билан айтганда, янги педагогик технологиялардир.

Педагогик технология, ўқувчилар қай тарзда, қандай усуллар билан ўқитилса, натижа самарали бўлади, деган саволга жавоб беради. У ўзининг муайян тизимига эга бўлиб, бунда компонентларнинг кетма-кетлиги, ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги сақланади.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташҳис қилиш, натижалаш, тузатиш ва ўзгаришлар киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақт тежалади, бу эса педагогик технологиянинг самараси демакдир. Педагогик технологиянинг жўнлиги - ишланган модель бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ўшандай самара бериши кераклигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янгича ендашиб, ижодкорлик,

бунёдкорлик татбиқ этилсагина, таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак-хохиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;
- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ошади;
- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;
- унда ўз билимини ўзи бойитишига ишонч пайдо бўлади;
- шахснинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олиши учун муҳит яратилади.

Бунинг учун бугун биз ўқувчига «сен буни билишнинг керак» деган мажбурловчи даъватдан «менга бу зарур ва мен буни билишга, уни ҳаётга қўллашга қодирман» деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак.

Шу муносабат билан ҳар бир туман (шаҳар) метод кабинетлари қошида доимий ҳаракатдаги янги педагогик технологиялар бўйича ташаббускор инновацион гуруҳлар ташкил этилса ёки Бухоро маорифчиларига ўхшаб янги педагогик технологиялар асосида ишловчи ўқитувчилар уюшмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Т. Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ ва ҳар бир вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти қошида янги педагогик технологиялар лабораторияларини очиш, уларда ўқув жараёнини янгича лойиҳалаштириш, тажриба синов мактабларини ташкил этиш зарур. Шу маънода Республика таълим марказида ташкил этилган «Илғор технология маркази» дастлабки қалдирғочдир. Бундай марказларни вилоятларда ҳам ташкил этиш ишимизга катта наф келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, янги педагогик технология таълим жараёнида ҳукм сураётган инқироздан қутулишнинг ягона ва бош мезонидир.

2. Педагогик технологиялар тушунчаси, таълим самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси.

Ҳаммамизга маълумки, инсон фаолиятининг барча соҳалари каби таълим соҳаси ҳам доимо ривожланувчи ва вақти-вақти билан туб ислохотларни талаб этадиган соҳадир. Бу ўзгаришлар замон, одамларни яшаш тарзи, жамият, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан мутахассисларга қўйилажак талаблар ўзгариши билан боқлиқ. Барчамиз Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг жамиятимизда, иқтисодимизда қанчалик катта ўзгаришлар содир бўлаётганлигини гувоҳимиз. Албатта бу ўзгаришлар таълим соҳасини четлаб ўтмаслиги ҳаммага аён. Ҳақиқатдан ҳам таълим тизими жамият буюртмасини бажаришга қаратилган соҳа экан, у жамиятдаги ўзгаришлар билан узвий боқлиқдир.


Барча давлатнинг ривожланишида кадрлар сифати катта рол ўйнаётган экан, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон кадрлар тайёрлашдек масалага жиддий ёндашиши зарур. Бу борада албатта ривожланган давлатлар тажрибаси биз учун қизиқарлидир.

Ҳозирги даврда педагогик технологияни барча ривожланган мамлакатлар қабул қилди ва у халқаро миқёсда нуфузли ташкилотлардан ҳисобланган ЮНЕСКО томонидан маъқулланди. 1996 йилда ЮНЕСКО раҳбарлигида Иерусалим (Исроил) университетида педагогик технологияга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Бунда Япония, Англия, Германия каби ривожланган мамлакатлар билан бирга, Коста-Рика, Филлипин Республикаси, Туркия ва Малта вакиллари ҳам технологияни жорий қилиб юқори натижаларга эришаётганликларини маълум қилдилар.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти педагогик технология тушунчасига қуйидагича таъриф беради:

«Педагогик технология таълим шакллари мақбуллаштириш учун инсон ва техник ресурсларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини

эътиборга олган ҳолда, ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг системавий усулидир».



Педагогик технологияни жорий этаётган жаҳондаги 30 га яқин мамлакатлар ўқув жараёнида юқори натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича ўқитилган 50000 ўқувчининг 75 фоизи анонавий усулда ўқитилганда фақат энг юқори ўзлаштирувчи ўқувчиларгина эриша оладиган кўрсаткичларга эга бўлганлар. Баъзи мамлакатларда эса бундай ўқувчилар улуши 80-85 фойизни ташкил этади.

Педагогик технологиялар - педагогик фанлардан бири. У ривожланаётган янги фан бўлиб, бугунги кунда ушбу атаманинг юқорида келтирилган ЮНЕСКО таърифидан ташқари яна бир неча таърифи мавжуд бўлиб, улардан бештасини келтирамиз:

«Таълим технологияси» илмий ва бошқа билимларнинг амалий масалаларини ҳал этишда системали равишда қўллашдан иборат;

«Педагогик технология «таълимни системалаштириш» ёки «синфда ўқитишни системалаштириш» ғояларини педагогикага тадбиқ этишдан иборат». (Т.Сакомато);

«Педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган барча шахс, инструментал ва методик воситаларнинг тизимли мажмуи ва уларни фаолият кўрсатиш тартиби. (Кларин М.В.);

«Педагогик технологиялар - маълумотни ишлаб чиқиш, намоёйиш этиш, тасаввур қилиш, ўзгартириш усул ва воситалари йиғиндиси»;

«Педагогик технологиялар - ўқитувчини ўқувчиларга зарур техник ва ахборот воситалари орқали таъсир кўрсатиш йўллари ҳақидаги фан».

Ҳар бир келтирилган таъриф «Педагогик технологиялар» тушунчасини алоҳида бир қиррасини ёритиб беради, лекин улардан энг кўп қўлланиладигани бу ЮНЕСКО томонидан берилган таърифдир.⁸

Педагогик технологиянинг туб моҳияти ўқитишнинг анъанавий оқзаки баён қилиш усулидан воз кечиб, ўқувчиларни кўпроқ мустақил таълим олишга ундашдан иборат, унда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг "бошқарувчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага йўлловчи» вазифасини бажаради. Педагогик технологиянинг самарадорлиги шундан иборатки, унда турли ўқитувчилар деярли бир хил якуний натижага эришиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса барча ўқув юртларига ягона таълим стандарти талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган ҳозирги даврда биз, Ўзбекистонлик педагоглар учун нихоятда муҳимдир. Жаҳон педагогикаси фани узоқ давр мобайнида илмий-техник тараққиёт таъсирида - психология, кибернетика, системалар ва бошқарув назариялари ҳамда бошқа фанлар эришган ютуқларни умумлаштирган ҳолда, инсон ресурсларини самарали ривожлантириш ва фаол инновацион жараёнларни бошидан кечириш даврида бўлиб келди. Бу фан, педагогик илмий назариялар ва бой амалий тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда, ўтган аср ярмигача бўлган даврда бирорта буюк педагог, бошқалар ҳам улардек юқори натижаларга эришадиган, яъни такрорланувчан педагогик циклни ярата олмадилар. Бизнингча, бунинг сабаби: яратилган илғор методлар, уларнинг муаллифлари шахсига (шахсий маҳоратига) кўп жихатдан боқлик бўлган. Шунинг учун ҳам, уларнинг издошлари муаллифлардек юқори даражадаги «машғулотлар ўтказишга муваффақ бўлмаганлар. Чунки, психология фани тасдиқдаганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир.

⁸ М. Ўралова, Ш. Маъмуров. "Педагогик технологиялар" фанидан маърузалар матни. Фарғона. 2010 йил. 10-11 бетлар.

Педагогик технологияларга асосланган таълимда эса педагог маҳорати қуйидагиларда намоён бўлади:

- зарур маълумотни танлаш;
- оптимал усуллардан фойдаланиш;
- оптимал воситаларни ишлатиш.

Бундай ёндошувда ўқитувчининг шахсий маҳорати асосий рол ўйнамайди ва ҳар хил ўқитувчилар томонидан ташкилланган таълим жараёнларида бир-бирига яқин натижаларга эришиш кафолатланади.

Албатта, ҳар хил бажарувчилар қўлида турли технологиялар турлича кўринишга эга бўлади: бу ерда педагог шахси сифатлари, ўқувчиларнинг ўзига ҳосликлари, синфдаги психологик муҳит ва кайфият рол ўйнайди. Бунда педагогик жараён айнан бир хил кечмаслиги мумкин, лекин улар бир-бирига яқин бўлади. Демак, технология шахс томонидан ўзлаштирилади, лекин шахс унда асосий аниқловчи ролни ўйнамайди.

Педагогик технологиялар тушунчаси қуйидаги маъноларда ишлатилади:

Педагогик технологиялар - таълим беришнинг самарали йўллари ўрганувчи фан.

Педагогик технологиялар - таълимда ишлатиладиган усуллар, таълим тизими.

Педагогик технологиялар - кечаётган реал педагогик жараён. Педагогик технологиялар манбаси бўлиб нима қилади? - деган савол туғилади - педагогик технологиялар манбаси бу: педагогика, психология, социология фанлари ютуқлари, илғор педагогик тажриба, этнопедагогика, ўтган асрлар давомида яратилган барча эътиборга лойиқ ютуқлардир.

Педагогик жараён педагогик тизимда бўлиб ўтади. Педагогик тизим бир неча таркибий қисмдан иборат бўлиб улар ўртасидаги боғлиқлик жуда мустаҳкам. Қуйида уларни санаб ўтамиз:

- Педагог
- Билим олувчилар
- Бошқарув
- Мақсад
- Натижа
- Билим олувчилар
- Технология
- Мазмун
- Усуллар, шакллар
- Воситалар

Ушбу тизимда мақсад ва натижа бир-бирига қиёсланади ва уларни максимал даражада мос тушиши педагогик жараёнининг самаралилигидан далолат беради.

Технология конкрет мавжуд бўлган шароитдан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилади.

Технолог яхши маълум бўлган, исботланган далилларга таянади. У эксперимент ўтказиш билан шуғулланмайди, аксинча, олдиндан белгиланган натижа асосида иш олиб боради.

Технологиянинг бирор-бир қисмидан воз кеча олмаймиз - бу тизимни ортиқча компонентини ўзи йўқ.

Ҳар бир педагогик тизимнинг максимал самаралиги 100 %, бундай натижага яқинлашиш учун албатта қўйилган мақсадлар билим олувчиларнинг ривожланиш зонасига яқинроқ бўлган мақсадлардан иборат бўлиши шарт.

Педагогик тизимни самарасини оширишни икки йўли бор: интенсив ва экстенсив. Интенсив ривожланиш педагогик тизимнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Экстенсив эса, қўшимча пул ва бошқа маблағларни сарфлашни тақозо этади.

Бу ерда қуйидаги савол туғилади: қайси муаммолар кўпроқ инновациялар обьектига айланади? Булар:

- қандай қилиб ўқиш мотивациясини ошириш;
- дарсга ажратилган вақт ичида қандай қилиб кўпроқ ўқув материални ўзлаштириш;
- қайси йўл билан таълим «тезлигини» ошириш;
- вақт йўқотишлардан ҳоли бўлиш ва ҳ.к.

Шу муаммолардан келиб чиққан ҳолда инновацияларнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

Педагогик тизимдаги инновациялар йўналиши:

1. умуман педагогик тизим;
2. ўқув юртлари;
3. педагогик назария;
4. ўқитувчи;
5. билим олувчилар;
6. педагогик технология;
7. таълим мазмуни;
8. шакл, усул, воситалар;
9. бошқарув;
10. таълим мақсад ва натижалари.

Бугунги кунда таълим тизими, педагогик назарияси, педагогик технология, таълим мазмуни, шакли, усул ва воситалари, таълимни бошқарув тизимига янгиликлар киритиш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ



АҚШда яратилган ва ЮНЕСКО томонидан маъқулланган педагогик технологияни жорий этаётган жаҳондаги 30-га яқин мамлакатлар ўқув жараёнида АҚШ дагига нисбатдан жуда яқин натижаларга эришмоқдалар⁹.

Биз АҚШда яратилиб, мактаб ва коллежларда, муваффақиятли қўлланилаётган педагогик технология ҳақида батафсилроқ фикр юритишга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, шахсинг аффеktiv соҳада ривожланишини таъминловчи, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи, ўқитишнинг ўта индивидуallasганлиги билан ажралиб турувчи Кёллер системаси каби ўқитиш технологиялари ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида илғор педагогик технологияларни жорий этилиши, мамлакатимиз ўқув юртларидаги кадрлар тайёрлаш жараёни мазмунини янада бойитиб, уни жаҳон стандартлари билан уйғунлашувига, шу билан бирга, ўзбек халқ педагогикаси ва миллий мустақиллик мафкураси анъаналарига хос ва мос бўлган педагогик технологияни яратишга асос бўлишига ишончимиз қомил.

3. Ҳозирги замон анъанавий ва ноанъанавий таълими.

“Авторитар педагогика”нинг яроқсиз томонлари нимадан иборат эди? деган саволга Ўзбекистон Миллий Университети хузуридаги Олий педагогика институтининг “Олий таълим педагогикаси” кафедраси мудири, ЎзПФИТИнинг “Янги педагогик технологиялар илмий асослари” лабораторияси раҳбари Нурали Сайидахмедов қуйидагича жавоб беради:

Шўро давлатига хизмат қилиб келган педагогикага объектив баҳо бермасдан туриб янги аср педагогикаси ҳақида фикр юритиш мутлоқо мумкин эмас. Педагогика инсон фаолияти билан шуғуullanувчи соҳа сифатида ўз тузилмасида жараённинг субъект ва объектларини қамраб

⁹ М. Ўралова, Ш. Маъмуров. “Педагогик технологиялар” фанидан маърузалар матни. Фарғона. 2010 йил. 14 бет.

олади. Анъанавий “субъект-объект” педагогикасида ўқувчи объект ҳисобланиб, ўқитувчи унга тажриба узатар эди. Замонавий педагогика, кўпроқ, болага ўқув фаолиятининг субъекти сифатида, ўз-ўзини бошқарадиган ва ўзини намоёни этишга интилаётган шахс сифатида мурожаат қилмоқда. Анъанавий педагогика хусусида матбуотда, диссертацияларда баъзи бир танқидий мулоҳазалар билдирилмоқда. Бизнингча, авторитар педагогиканинг ҳақиқий “қиёфа”сини очиш, уни педагогик тизим нуқтаи назардан батафсил таҳлил этиш керак бўлади. Чунки, XXI асрда таълим-тарбияни ҳаракатга келтирувчи куч ўзида аниқ дидактик масалаларни ифодалаган ва уларни ҳал этиш технологияларини бириктирган педагогик тизим ҳисобланади. Энди табиий ҳолда савол туғилади:¹⁰

Педагогик тизим нима?

Педагогик тизим деганда, ўқувчи (талаба)ларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантиришга мақсадли педагогик таъсир этишни юзага келтира оладиган воситалар, методлар, жараёнларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси тушунилади. Ҳар қандай истиқболли педагогик инновацияга баҳо беришда тизимли ёндашилгандагина ўзининг объектив баҳосини олиши мумкин. Келинг, энди анъанавий педагогика фаннинг асосий масалаларини педагогик тизим ёрдамида қиёслашга киришайлик.

Биринчидан, совет педагогикасида таълим-тарбия мақсади ҳар бир ўқувчи шахсини ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш, мазмунан эса кўпроқ фан асослари бўйича билимлар тизимини шакллантиришдан иборат эди. Афсуски, “ҳар томонлама ривожлантириш”, декларация, чақириқ эди, холос. Унинг қисқача моҳияти: техникавий тараққиёт давомида инсоннинг меҳнат фаолияти ўзгариб туради, шу боисдан, кенг умумий ва политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш зуруратга айланган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик

¹⁰ Ж.Ғ. Йўлдошев. “Таълим янгиланиш йўлида”. Тошкент. “Ўқитувчи”. 2000 йил. 40-42 бетлар.

бераяптики, техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақозо этади. Унга эришиш учун маълум меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтиришни талаб этилди, доимий ўрин алмаштиришни эмас.

Иккинчидан, таълим мазмуни анъанавий педагогикада технократик ҳарактерга эга эди, ўқувчи маънавиятини, унинг ички дунёсини шакллантиришга эътибор деярли қаратилмас эди. Таълим мазмуни режалаштирилган, марказлаштирилган, собиқ совет давлати бўйича ягона базисли ўқув режалари ишлаб чиқилар ва жорий этилар эди. Ўқув предметлари мустаҳкам “хитой девори”дан қалъа қуриб олган, ўқувчи унинг ичида (фақат ичида) ҳаракатланиши мумкин эди.

Бугун таълим-тарбия мазмуни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида қайта ишланмоғи, миллий истиқлол мафкураси сингдирилмоғи, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, техник-технология ютуқларини мужассамлаштирмоғи лозим. Шу билан биргаликда тарбия мазмуни ижодий фаолият тажрибасидан, новатор-педагоглар томонидан яратилаётган илғор технологиялардан баҳра олиши шарт.

Учинчидан, авторитар ўқитиш жараёни ўртача ўзлаштирадиган ўқувчига йўналтирилган, ўқувчи фаолияти регламентлашган, назорат эса марказлаштирилган эди. Ўқувчиларда мустақиллик йўқ, ўқитувчи тайёр билимларни ўргатар, болалар уларни тўтидек такрорлар, ўқитувчилар ўқув меҳнати кучсиз мотивлашган эди. Янги асрда ўқитиш жараёни дидактик жараёнга айланмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, илғор педагогик технологиялар ёрдамида ўқувчининг ақлий заковатини, эркин фикрлашини, мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаши зарур. Бунинг учун ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда интерфаол методлардан (дидактик ўйинлар, гуруҳларда ишлаш, дарс-аукцион, дарс-суд ва бошқа.) мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш керак бўлади.

Тўртинчидан, анъанавий ўқитиш ташкилий жиҳатдан XVII асрда Я.А.Коменский томонидан шаклланган синф-дарс тизимига бўйсунди ва ҳозир ҳам таълимнинг бу шакли жаҳон мактабларида устуворлик касб этиб турибди.¹¹ Унинг ўзига хос атрибутлари:

- бир хил ёшдаги болалар синфини ташкил этади, бутун синф дарс жадвалига биноан, ягона йиллик режа ва дастур бўйича ишлайди. Оқибатда ўқувчилар йил давомида олдиндан аниқланган кун соатлар бўйича мактабга келиб кетаверади;
- ягона машғулоти тури – дарс ҳисобланади;
- дарс бир ўқув предмети мавзусига бағишланганлиги сабабли синф ўқувчиларининг барчаси бир хил материал билан иш кўрадилар;
- ўқитувчи дарсда ўқувчилар фаолиятини тўлиқ бошқаради;
- ўқувчининг китобдан фойдаланиши, асосан, уй топишриқларини бажаришда амалга оширилади.

Шундай қилиб, дарс-синф тизимининг қонуниятлари махсус адабиётларда тўлиқ ёритилган: ўқув йили, ўқув куни, дарс жадвали, ўқув таътили, танаффус ёки дарслар ўртасидаги дам олиш.

Учинчи минг йилликда ўқитиш, (тарбиялаш)нинг ташкилий шакллари ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштирилиши лозим. Дидактик бирликларни йириклаштириш, ўқитиш натижаларини олдиндан белгилаш, режалаштириш, таълим жараёнини психологиялаштириш, компьютерлаштиришга эътибор қаратилади. Ана шу йўналишлар аниқ таълим-тарбия мақсадини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса, бу амал натижасида кучли технология вужудга келади. Бу технология интеграл технология деб аталади.

Интеграл технологиялар учун янги машғулоти шакли – семинар – практикум яратилади. Унинг мазмуни: машғулоти ўтказиш учун ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ

¹¹ И.Й.Турсунов. У.Н.Нишоналиев. “педагогика курси”. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1997 йил. 12 бет.

чегараланган вақт давомида бажара оладиган топшириқлар олади. Ана шу топшириқни бажаришга киришадилар ва бунда таълим-тарбия жараёни объектини тўғри танлаш жиддий аҳамият касб этади. Объект обдон тадқиқ қилинган, натижалар бўйича кичик гуруҳлар ҳисоб берадилар, яъни машғулот “публик ҳимоя” кўринишида ташкил этилади. Қарабсизки, ўқувчилар ўз-ўзини ўқитиш, баҳс, мунозара, мавқеини мустаҳкамлаш орқали мавзунини чуқур ўрганадилар ва шу тарзда якуний натижа таъминланади.

Бешинчидан, анъанавий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг тутган ўрни қуйидагича: ўқувчи-тарбиявий (таълимий) таъсирга бўйсунувчи объект, ўқувчи – етилмаган шахс, ўқувчи – бурама винт, хоҳлаганча бураш мумкин, ўқувчи – аскар, ўқитувчи – командир, ягона ташаббускор шахс, судья (ҳар доим ҳақ) унинг қуроли – ёзма ва оғзаки нутқларга асосланган субъектив (5 балл) баҳо.

Янги минг йилликда педагогик тизим иштирокчилари – ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) фаолиятинини “субъект” қонуниятлари асосида ташкил этиш таълимда кўзланган натижани кафолатлайди, яъни ҳамкорликдаги педагогика “иш”га тўлиқ тушади: таълим-тарбия мазмуни энг сўнгги инновацион жараёнлар билан таъминланиб боради. Педагогик жараён марказида ўз имкониятларининг тўла намоёниши эта оладиган, турлича ҳаётий вазиятларда жавобгарликни ҳис этган ҳолда онгли равишда янги тажрибаларни қўллаш оладиган яхлит шахс туради. Демак, эртага “талабалар” педагогикаси “муносабатлар” ларга айланишига шубҳа йўқ.

1 - БОБ бўйича хулосалар

Хулоса қилиб айтсак, янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режаси, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга ҳам янгича ёндашиш, уни янгича ташкил этиш зарурияти туғилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, биз *«мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлод қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак»*.¹² Шу сабабли ҳам биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, такомиллаштириш, хусусан, таълим мазмунига нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил этувчи - ижодий фаолият тажрибаси, теварак атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Бу ғояни, фикримизча, ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариши мумкин:

- фаолият турлари (моддий-амалий, ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириладиган бойликлар).

Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда, далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.

¹² И.А. Каримов. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Тошкент. “Шарқ” НМК. 1997 йил.


II. БОБ. ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Педагогик технологияларнинг илмий асослари ва унинг аспектлари.

XX асрни 20 йилларида педагогика тарихи борасида катта ишлар олиб борилди – педагогика фани ривожланди.

Кўп технологиялар уларни яратган шахс номини олган ва унинг ўлими билан сўнган, лекин катта кучга эга бўлганлари бошиданок объективлаштирилган.

Педагогик тизим бир неча таркибий қисмдан иборат бўлиб улар ўртасидаги боғлиқлик жуда мустахкам.



Ушбу тизимда мақсад ва натижа бир бирига қиёсланади ва уларни максимал даражада мос тушиши педагогик жараёни самаралилигидан далолат беради.

Технология контрект мавжуд бўлган шароитдан келиб чиққат холда лойихалаштирилади.

Технолог яхши маълум бўлган, исботланган далилларга таянади. У эксперимент ўтказиш билан шуғулланмайди, аксинча олдиндан

белгиланган натижа асосида иш олиб боради. Технологияни бирор – бир қисмидан воз кеча олмаймиз – бу тизимни ортиқча жойини ўзи йўқ.

Мактаб – устахона, жонли типография. Ўқитувчи бола тарбиясида босмахона ишчиси сингари иш олиб беради, ўхшаш воситалар ишлатади. Таълим асоси – вақт, фанлар ва усулларни оптимал режалаштириш.

XX асрнинг 20 йилларида С.Т.Шацкий Ушбу ажойиб педагогик қарашлари асосида «мактаб марказида китобдан олинadиган билим эмас, балки меҳнат фаолияти бўлиши зарур» деган фикр ётади. Педагог фаолиятини С.Т.Шацкий 3 этапга бўлган.

1- болани атрофлича ўрганиб чиқиш (уйда, кўчада, ҳамма жойда);

2- бола дуёқарашини бойитиш, уни қадрятлар тизимида олиб кириш;

3- олинган билимларни ҳаётий тажрибага айлантириш.

Илғор рус ва чет эл ғояларини мужассамлаштирувчи Попова очган мактаб «Ҳаёт мактаби» деб номланар эди. Унинг асосий ғоялари, меҳнат бола тарбияси ва ривожланишининг муҳим таркибий қисми деган фикрни илгари суради.

Попова технологияси асосий элементи – ўқувчи изланиш фаолиятини ташкиллаш. Бунда ўқитувчи роли – билим трансметори, узатиб берувчи эмас, балки болалар фаолиятини ташкилловчисидир.

Ўқиш билан биргаликда тасвирий санъат, театр, чизмачилик, коллекциялар йиғиш, драматик санъати ривожлантирилган.

Педагогик технология атамаси 70 – йилларда АҚШ да биринчи бор пайдо бўлди ва тез орада кўп амлакатларда оммалашиб кетди. Чет эл адабиётида педагогик технология аввалом бор «таълим жараёнида техник воситаларни ишлатиш» маъносини англатади.

Айнан 70 йилларда педагогикада таълим жараёни бу тўлиқ бошқарила оладиган жараён деган ғоялар шаклланди, бундан қуйидаги

келиб чиқди: таълимдаги муаммолар аниқ берилган мақсадга эга бўлган таълим жараёнини бошқариш орқали ечиш мумкин.

Шундан сўнг турли илмий журналларда педагогик технология таърифини берувчи кўп мақолалар билан чиқилди.

Энди ҳар қандай педагогик технологияга қўйиладиган асосий талаблар деб тан олинаётган қоидаларни келтирамиз. Ушбу талаблар ҳам рус олими Г.К.Селевко томонидан шакллантирилган.¹³

1. Концентуаллик. Ҳар бир технология маълум бир илмий концепцияга асосланган бўлиши шарт ва ушбу концепция ўз ичига таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик дидактик ва ижтимоий педагогик асоси исботини ўз ичига олган бўлиши керак.

2. Тизимлилик. Педагогик технология тизимни барча сифатларига эга бўлиши шарт. Булар: жараёни мантиқлилиги, барча қисмларни ўзаро узвийлиги, бутунлиги.

3. Бошқарувчанлик. Мақсадни олдиндан белгилай олиш режалаштириш, таълимий жараёни лойихалаш, ҳар этапни диагностика қилиш, турли усул ва воситалар ишлатиш йўли билан натижани коррекция қила олишни назарда тутати.

4. Самаралилик. Замонавий технологиялар конкуренция муҳитида қўлланилмоқда ва натижалари сарфланадиган маблағлари томонидан самарали бўлишлари, таълимнинг маълум стандартига эришишни кафолатлаши шарт.

5. Такрорлана, олиш. Турли ўхшаш ўқув юртларида бошқа субъектлар томонидан ҳам ишлата олишни назарда тутати.

Педагогик технологиялар классификацияси (таснифи).

Махсус адабиётларда педагогик технологиялар классификацияси берилади. Умумлаштирилган ҳолда ушбу тизимни Г.К.Селевко берган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

¹³ М.Ўралова, Ш.Маъмуров. “Педагогик технологиялар” фанидан маърузалар матни. Фарғона. 2010 йил. 24 26 бетлар.

1. Қўлланиш даражаси: умумметодологик, махсус услубий, локал модул.

2. Фалсафий асоси: материалистик, илмий гуманистик, идеалистик, диний антигуманистик ва бошқалар.

3. Шахс ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий деб олинган омил бўйича: биоген, социоген, психиоген, идеалистик.

Бугун шахс шаклланишига бир эмас бир неча омил таъсир кўрсатиши тан олинган. Лекин турли технологиялар омиллардан бирини устун қўяди.

Педагогик технологияларнинг муҳим томони жараёнда таълим олувчи позицияси ва унга нисбатан таълим берувчи муносабатидир. Шу нуқтаи назардан бир неча типдаги технологиялар мавжуд:

А) Авторитар технологиялар-педагог ягона фаол шахс, хурфикрликнинг йўқлиги, мажбурлаб ўқитиш.

Б) Дидактоцентристик технологиялар-бунда ўқувчи шахсига безътиборлик, ўқитишни тарбиялашдан кўра устун қўйиш, ўқитиш воситалари шахсни шакллантирувчи асосий омил деб ҳисобланади.

В) Шахсга қаратилган технологиялар-бутун таълим тизими марказига шахсни қўядилар, унинг табиий қобилиятларини ривожлантириш, унинг ривожланиши учун хавфсиз шароитлар яратиб беришни ўз мақсади деб билади. Бу технологияларда шахс таълим тизимининг мақсади бўлиб чиқади.

Бу технологиялар 3 га бўлиниши мумкин.

Инсонпарварлик технологияси: — бошқалардан инсонпарварлик моҳияти, шахсга ёрдам беришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Улар болага нисбатан ҳурмат ва мухаббат ғояларини олдга суради.

Ҳамкорлик технологияси: педагог ва ўқитувчилар ўртасида демократик муносабатларни қўллаб қувватлайдилар. Ўқитувчи ва

талабалар биргаликда мақсадни, таълим мазмунини аниқлайдилар, баҳолайдилар, ҳамкорликда изланадилар.

Эркин тарбия технологияси: болага унинг ҳаётидаги маълум миқдорда мустақил танлаш учун шароит яратиб беришни назарада тутди. Шунда бола ташқи таъсир орқали эмас, балки ички туйғулардан келиб чиққан ҳолда мақсадга интилади.

Бугунги кунда анъанавий таълимни замонавийлаштириш йўлида биргина технологияга асосланган ўқитиш учрамайди. Одатда ўқитиш асосида бир технологиялар элементлари бир йўла қўлланилади.

Жаҳон ҳамжамияти интеграллашуви халқларнинг Ўзбекистон маданиятига бўлган эътиборини тобора кучайтирмоқда. Турли маданиятларни мавжудлиги дунёни ранг-баранглиги битта полимаданият таълими ҳақида гапиришга имкон беради. Ушбу таълим инсонларнинг дунёқарашини бойлигини таъминлайди.

Этнопедагогик назарияларнинг тахлили одам ўзини дунё умуминсоний маданияти билан таққослагунча, бошқа маданият «тили» ни ўргангунича, у ўз миллати, маданияти билан танишиб чиқиши зарур. Фақат таълим гуманизацияланиши этномаданий кўпфирлиликни шакллантиришга имкон яратади. Кўп урушлар мусибатлари таъсирида инсоният шундай фикр ишлаб чиқди. Маданият бу техникавий прогресс, танк, самолёт ва узоққа учадиган ракета эмас, бу цивилизацияларда минг йилликлар ичида пайдо бўлаётган ва ривожланаётган маънавият, инсон ҳуқуқини аниқловчи йўриқномаларни ривожланиш даражасидир.

Таълимни халқ педагогикасига асослаб ташкиллаш жуда қийин жараён ва унинг механизмларидан бирдан-бири бу таълим тизимида халқ томонидан яратилган жамоа ўзини аъзосини тарбиялаш усул ва услубларни қўллаш. Бу ижтимоий тажриба, жамоада тутиш қоидалари, анъанавий ҳаёт тарзи ва миллий маънавиятни авлоддан-авлодга ўтишидир.

Ушбу педагогика миллий характер хусусиятларини тарбия жараёнига бўлган қарашларини инобатга олади. Бу ғоялар аниқ шаклланган педагогик тизим кўринишига эга эмас. Улар тарбия тизимига халқ манфаатлари учун муҳим бўлган муаммоларни ечимида иштирок этадилар.

2. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигига асосланган педагогик технологиялар. Интерактив технологиялар.

Меҳнат ва ўқиш билан бир қаторда ўйин инсон фаолиятининг асосий турларидан биридир. Ўйин ижтимоий тажрибани қайта яратиш ва ўзлаштиришга қаратилган фаолият тури бўлиб, унда инсонда ўз-ўзини бошқариш кўникмалари ривожланади.

Педагогика ва психология ўйин фаолияти муаммолари билан З. Фрейд, Ж.Пиаже, К.Д.Ушинский, П.П.Блжкий, С.Л.Рубинштейн, Д.Б.Элрконишлар шуғулланганлар.¹⁴

Ўйин структураси қуйидаги босқичлардан иборат.

Мақсад қўйиш;

Режалаштириш;

Мақсадни амалга ошириш;

Натижалар таҳлили.

Ўйинда иштирок этиш кўнгилли бўлганлиги, унга танлов ва беллашув элементлари, эҳтиёжларни қондириш, ўз-ўзини намоёниш этиш ҳос бўлганлиги, ўйин иштирокчисиди ички мотивацияни шакллайди.

Ўйин шундай фаолиятни, унинг натижасигина эмас, балки жараёнини ўзи ҳам инсонга завқ бағишлайди. Ўйин фаолияти ижод учун имкон беради, ҳис-туйғуларни кучайтиради.

¹⁴ М.Ўралова. Ш.Маъмуров. “Педагогик технологиялар” фанидан маърузалар матни. Фарғона. 2010 йил. 50-58 бетлар.

У бир томондан бола тажрибасидаги қийинчиликларни ҳал этиш проектларини текшириб кўришга имкон берса, бошқа томондан ундаги тажрибани камчиликларини аниқлашга ёрдам беради.

Ролли ўйин болага у олдин ўз тажрибасида тушмаган вазиятда, бошқа одам ўрнида бўлиб, кўришга ҳам шароит яратади. Бунда у янги ижтимоий муносабатларга киришади ва уларни ҳис этиб кўради.

Ўйинда бола эркин бўлади, партнёрлари билан ҳамкорликда ҳаракатда бўлади, партнёрлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилади, бунда мажбурлаш агрессия бўлмайди. Буни «терапевтик эффект» деб аташади.

Ўйин таъсирида бола шахсида ижобий ўзгаришлар рўй беради. Бу табиий равишда, аста-секинлик билан амалга ошади.

Педагогик ўйинлар педагогик жараённинг катта бир усул ва услублар гуруҳидир. Оддий ўйиндан фарқли ўлароқ булар таълим мақсадига эгадирлар.

Педагогик ўйинлар дидактик мақсади, ташкилий структураси, турли ёшдаги ўқувчиларга мос келиши, мазмуни бўйича бир биридан фарқланадилар.

Бизнес - ўйин қайси ёшга мос?

Замонавий таълимда ўйин бир тушунча, мавзу, ҳаттоки ўқув фанини бир бўлимини ўзлаштириш технологияси: каттароқ бир технологияни бир элементи; бир дастур ёки унинг таркибий қисми; дарсдан ташқари фаолият технологияси сифатида қўланилади. Кўпинча ўйин технологиялари спецификасини ўйин кечаётган муҳит белгилайди, предмет ва предметсиз ўйинлар, стол устида ўйналадиган ўйин, хонада ёки кўчада ўйналадиган, компьютер ёки техник воситалар ёрдамида ўтказиладиган ўйинлар ва бошқалар.

Дидактик ўйинлар самарадорлиги уларни систематик равишда мақсадли қўлланилиши, ўйинлар дастури оддий дидактик машқлар билан бирга олиб борилиши билан таъминланади.

Ўсмирлик даврида болада ўз дунёсини яратиш ёши катталардек бўлишликка интилиши пайдо бўлади, унинг фантазияси жуда тез ривожланади, турли гуруҳда ўйналадиган ўйинлар пайдо бўлади.

Катта мактаб ёшига ҳослик бу, жамиятда ўз ўрнинг эгаллаш, нутқ фаолиятига катта аҳамият беришидир.

Бизнес ўйин комплекс масалани ечишга қаратилган бўлиб, янги материални ўзлаштириши, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, ўқув кўникмаларини шакллаб, ўқув материалларини ҳар томонлама кўриб чиқишга имкон беради.

Ўқув жараёнида бизнес-ўйинларнинг ҳар турлари ишлатилади: имитацион, операцион, ролли ўйин, бизнес театр, психо ва социодрама. Имитацион ўйинлар. Машғулотда бирор-бир корхона, муассаса фаолияти имитация қилинади. Имитацион ўйин сценарийси воқеа сюжетдан тшқари имитация қилинаётган жараён ва объектларни таърифини ҳам ўз ичига олади.

Операцион ўйинлар махсус операцияларни бажариш малакаларини оширади. Ушбу ўйин шароитлари реал шароитга максимал яқинлаштирилган бўлади.

Роллар ижро этиш. Бу ўйинларда конкрет шахснинг ҳатти-ҳаракати тактикаси, вазифани бажариши кўрсатилади ва устида иш олиб борилади.

Бизнес-театр. Берилган вазиятда инсонни ўзинг қандай тутиши ўйин орқали ифодаланади.

Психодрама ва социодрама - булар бизнес-театра яқин. Бу ҳам театр, фақат ижтимоий-психологик театр, унда вазиятни ҳис этиш, бошқа одамни ҳолатини баҳолай олиш кўникмалари ривожлантирилади.

Шахсни ўқитилишидаги фаоллиги психология, педагогика ва таълимдаги энг долзарб масалаларидан биридир.

Фаолликнинг 3 даражасини аниқлайдилар:

Қайта тиклаш фаоллиги - билим олувчини маълумотни тушуниши, эслаб қолиш ва қайта тиклашга, намунада кўрсатилган ҳаракатларни ўзлаштиришга бўлган интилиш.

Изоҳлаш фаолият - билим олувчининг ўзлаштирилаётган ахборотни тушунишга, бошқа маълумот ва ходисалар билан боғлиқлигини аниқлаш ўзгартирилган шароитларда олган билимларни ишлатишга интилиши.

Ижодий фаоллик - билим олувчини билимларни назарий англаш, муаммони ечимини мустақил излаш, билимга бўлган қизиқишни назарда тутати.

Ўқувчи фаоллигини ошириш учун махсус психолого-педагогик шароитлар яратилиши керак.

Фаол ўқитишга ўтиш, ўқитиш шакллари ва усуллари ўзгартиришни талаб этади, яъни ривожлантирувчи, муаммоли, изланиш шароитини яратувчи усул ва шакллар.

Фаол усулларни пайдо бўлиши таълим олдида турган мақсадлардан, рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ. Бугунги мутахассис нафақат маълум миқдордаги билимга эга бўлиши, балки янгидан-янги маълумотни ўзи излаб топиши ёки яратишга ҳам қодир бўлиши шарт.

Билимни фаоллиги ва билиш мустақиллиги бу ўқувчиларнинг интеллектуал қобилияти сифатларидир. Агар уларни ривожлантирувчи шароит бўлмаса, ушбу қобилиятлар сусайиши, ривожланмай қолиши мумкин.

Фаол усулларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: имитацион ва имитацияга асосланмаган.

Имитацион машғулотлар ўрганиб чиқиლაётган жараёни моделини яратишга асосланади. Ўз навбатида улар ўйин ва ўйинга асосланмаган усулларга бўлинади. Агар ушбу усулнинг қўлланилиши рол ижро этишни талаб қилса, у ўйинли имитацион усул деб аталади.

Имитацион бўлмаган машғулотга ўзлаштирилаётган жараённинг модели йўқлиги хос. Фаоллик, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўрнатиладиган алоқалар орқали йўлга қўйилади.

Асосий фаол усуллар таърифи.

Муаммоли маъруза таълимнинг билиш жараёнини изланиш фаолиятига яқинлантирувчи таълим шакли. Муаммоли маъруза самарадорлиги ўқитувчи ва билим олувчи ҳамкорлигида амалга ошириладиган фаолият билан таъминланади. Маърузачининг мақсади маълум бир ахборотни бериш эмас, балки тингловчиларни илмий билим ривожланишидаги мавжуд бўлган зиддиятлар ва уларни ечиш йўлларига яқинлаштириш. Ўқитувчи билан ҳамкорликда талабалар ўзи учун янги билимларни «кашф этадилар», бир фан ёки ўз касбининг назарий жихатларини тушиниб этадилар.

Муаммоли маъруза моҳияти анъанавий (ахборот беришгагина йўналтирилган) маърузада тубдан фарқланади. Агар анъанавий маърузада таълим мазмуни буткул ўрганиб чиқилган, эндиликда эса фақат ёд олиниши зарур бўлган материал сифатида берилса, муаммоли маърузада янги билим номаълум ёки баҳсли савол сифатида берилади. Бунда талаба функцияси тайёр маълумотни қайта ишлаб чиқишгагина эмас, балки ўзига номаълум бўлган билимни «кашф этиш»да фаол иштирок этишдир.

Муаммоли маърузада қўлланиладиган асосий услуб, муаммоли вазиятдир. Муаммоли вазиятнинг бу шартида қандайдир зиддиятга эга бўлиб, савол билан яқунланадиган масаладир. Ушбу савол зиддиятни кўрсатиб берувчи, ундан келиб чиққан бўлади. Жавоб эса шу зиддиятни ечимидир.

Муаммоли вазиятлар қийинлик даражаси талабаларнинг ёши, имкониятларига мос келадиган янги материални ўрганиш учун муҳим бўлиши шарт.

Муаммоли маърузани дидактик структураси қандай?

Анъанавий маъруза каби унинг ҳам асосий усули, мавзуни асосий ғояларини аниқ ва чуқур ёритиб берувчи мантиғли оғзаки баён. Ўрганиб чиқиладиган муаммо ва унга боғлиқ бўлган кичикроқ муаммолар ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланиб қўйилади ва материал баёнига киритилади. Турли методик услублар ёрдамида (муаммоли ва маълумот талаб қилувчи саволлар бериш, гипотезалар таклиф қилиш, уларни исботлаш ёки инкор этиш, вазиятни таҳлил қилиш) ўқитувчи талабаларни фикрлашга, изланишга ундайди. Муаммоли маърузада диалог ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Маъруза жараёнида қанчалик диалог кўп бўлса у шунчалик муаммоли маърузага яқинлашади ва аксинча, қанчалик маърузада монолог кўп бўлса, у шунчалик ахборот берувчи маъруза шаклига яқин. Шундай қилиб муаммоли маърузанинг асосий иккита элементи мавжуд:

Мавзуни асосий ғояларини ўзида мужассам этган, янги билимни эгаллашга олиб келадиган масалалар тизими;

Диалог тарзида ташкилланган мулоқот.

Конкрет вазиятлар таҳлили (case-study). Ушбу усул энг самарали усуллардан бўлиб, бугунги кунда кенг қўлланилади. У ишлаб чиқаришда учрайдиган ҳаётий, реал масалаларни ечиш қобилиятларини ривожлантиради. Конкрет вазиятга тушиб қолганда, билим олувчи ушбу вазиятда муаммо борми, бу муаммо нима билан боғлиқлигини ва юз берган вазиятга ўз муносабатини аниқлаши керак.

Вазиятлар турли кўринишда бўлиши мумкин: тасвирловчи вазият, машқ учун вазият, баҳолашни талаб қилувчи вазият, муаммоли вазият. Муаммоли вазият реал ҳаётдан олинган воқеа бўлиб, иштирокчи унда қайсидир бир ролни ўйнайди ва ушбу вазиятни «ҳамкасблари» билан биргаликда ечишга ҳаракат қилади.

Баҳолаш учун вазият ечими қандайдир маънода топилиб бўлган вазиятни ифодалайди. Қабул қилинган ечимлар танқидий таҳлил

қилинади. Содир бўлган вазият юзасидан изоҳли хулоса берилади. Тингловчилар позицияси бунда - четдан кузатувчилардир.

Тасвирловчи вазият қандайдир бир қийин вазиятни таърифлаб, тушунтириб беради. У фикрлаш жараёнини мустақиллигини паст даражада таъминлайди. Бу вазиятлар мавзунини ёритишга ёрдам беради. Агар келтирилган мисол, намуналар талабалар томонидан муҳокама қилинса ва тўғри ёки нотўғри деб топилса у баҳоловчи вазиятга айланади.

Машқ учун вазият. Бунда олдин қабул қилинган қарор ва ечимларнинг қай даражада тўғрилигини синаб кўрилади. Бундай вазиятлар талабаларни кўникма ва малакаларини ривожлантиради.

Конкрет вазиятларни таҳлили икки йўналишда бўлиши мумкин:

1. Конкрет вазиятни роллар орқали ифодалаш. Бу ҳолда вазият шартлари иштирокчиларга олдиндан маълум бўлади ва машғулот ролли ўйинга айланади.

2. Битта вазиятни бир неча ечимларини жамоада муҳокама қилиш.

Бу талабалар тажрибасини оширади. Улар турли баҳоловчи мулоҳазалар билан танишиб чиқиш, уларга қўшимчалар қилиш ёки ўзгартиришлар киритишга муваффақ бўладилар.

Ушбу усул билим олувчиларни турли манбааларга мурожат қилишга сабаб бўлади, талабалар қўйилган саволларга жавоб топиш учун назарий билимларга интиладилар. Лекин ушбу усулни асосий мақсади талабаларни таҳлил қилишга бўлган қобилиятларини ривожлантириш, мавжуд бўлган маълумотларни тўғри ишлата билишга ўргатиш, талабаларда мустақиллик ва ташаббускорликни шакллантириш.

Таҳлилга асосланган машқлар ҳам фаол усуллардан бири бўлиб, унинг ўзига хос жихатлари бу: ўқитувчи олдиндан муаммонинг оптимал ечимини билади. Имитацион машқ имитацион ўйинга ўхшаб кетади,

лекин ундан фарқли ўлароқ бу ерда конкрет мутахассислар, бошлиқлар ҳаракатлари модел тузилмайди, диққат фақат муҳит моделига қаратилади. Таҳлидга асосланган машқларда хўжалик, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, математик ва бошқа одамларни хатти-ҳаракатини, уларни мулоқотини белгиловчи механизмлар кўрсатилади.

3. Шахсга йўналтирилган технологиялар.

Ҳамкорлик педагогикаси.

Шахсга йўналтирилган технология гуманистик фалсафа, психология ва педагогикалар ғояларига асосланган. Ўқитувчи эътибор марказида боланинг бетақдор, ўз қобилият ва имкониятларидан тўла фойдаланишга интилаётган, янги тажрибаларни қабул қилишга тайёр, турли ҳаётий вазиятларда муаммони ечиш йўлини маъсулият билан танлай оладиган шахси туради.¹⁵

Анъанавий технологиялар шахс ривожига қаратилган эмасми?

Анъанавий технологияларда юқорида санаб ўтилган шахс сифатларини шакллантириш шиор кўринишида қолиб кетар эди. Шахсга қаратилаган технологияр эса буларни асосий таълим мақсади деб билади.

Шахсга қаратилаган технологияда тушунтриш ва бир-бирини тушуниш таълим жараёни асосидир. Тушунтришда фақат битта онг, битта субъект, манолог; тушунишда - иккита субъект, иккита онг, бир-бирини тушуниш, диалог. Тушунтриш бу доимо юқоридан қарам, насиҳатгўйлик. Тушуниш бу ҳамкорлик ва ўзаро тушунишдаги тенглик.

Бунда педагог фаолияти асосан «фанни» ўзлаштиришга эмас, балки билим олувчилар билан мулоқотга киришиш, уларни ижод учун «озод» қилишга йўналтирилган. Лекин, мустақил ижод қилиш учун

¹⁵ М.Ўралова. Ш.Маъмуров. “Педагогик технологиялар” фанидан маърузалар матни. Фарғона. 2010 йил. 37-39 бетлар.

болада етарли даражада маънавий, жисмоний, ақлий куч ҳам йўқ. Шунинг учун унга педагогни қўллаши, ёрдами керак.

Ушбу сўзлар шахсга қаратилаган технологиянинг таянч тушунчалари деб ҳисобланади. Қўллаш педагогни болага нисбатан бўлган позицияси моҳиятини билдиради. У тарбияланувчи ҳаёти, соғлиги, ривожланишига маъсуллигини тўла идрок этади.

Шахсга қаратилаган технологияр мақсадларини ўзига ҳослиги шундаки, улар шахс сифатларини кимнидир буюртмасидан келиб чиқиб эмас балки боланинг табиий имкониятларига асосланган ҳолда шакллайдилар.

Шахсга қаратилаган технологиялар ҳар бир таълим олувчининг индивидуал хусусиятларига мос келувчи усуллар ва воситаларни излаб топишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун психодиагностика усулларидан фойдаланилади, болалар фаолиятини турлича ташкиллайдилар, ҳар хил ўқитиш воситаларини қўллайдилар. Шахсни қўллаш технологилари ўзини энг тўла ифодасини чет элда гуманистик психология йўналишидаги изланишларда топган. К. Роджерс, агар педагог қуйидагиларни қўлласа, у синфда шахсни индивидуал ривожланиши учун керакли муҳитни ярата олади, деб таъкидлайди:

Педагог бутун таълим жараёнида болаларга бўлган ишончини намоиш этиб бориши зарур;

Педагог таълим олувчиларга синф ва шахсан ҳар бир тарбияланувчи олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқлашга ёрдам бериши керак;

Таълим жараёнинг ташкиллашда ўқитувчи болани ички мотивациясидан келиб чиқиши керак;

Ўқитувчи болалар учун турли туман тажриба манбааси бўлиб, болалар керагида унга мурожаат қилиш назарда тутилади.

Бу сифатда у ҳамма болаларга бир хил ёндашиши керак.

Ўқитувчи гуруҳдаги эмоционал муҳитни ҳис этиш ва қабул қилиш малакасини ошириб бориши лозим.

Ўқитувчи гуруҳдаги ўзаро фикр алмашинувини фаол иштирокчиси бўлиши керак.

У ўз ҳиссиётларини очик намоиш этади.

Ўқитувчи ўз-ўзини ва ўз имкониятларини яхши билиши шарт.

Бу борада Ростов шаҳридаги 77 мактабда қуйидаги тажриба ўтказилди. Ушбу мактаб педагоглар жамоаси болани қўллаб қувватловчи воситаларни 2 гуруҳга ажратдилар.

Уларнинг биринчи гуруҳи барча ўқувчиларга умумий педагогик ёрдамни таъминлайди ва бунинг учун самимий муҳит яратади. Бу ўқитувчини болаларга бўлган эътиборни ишончи, уларни дарсни режалаштиришга жалб этиши, ўзаро ўқитишни ташкиллаши, фаолликни назарда тутувчи турли мазмундаги, ўйинлардан, фойдаланиш турли сахна кўринишларини яратиш, ижодий ишлар, ютуғларни позитив нуқтаи-назардан баҳолаш, диалог ва бошқалардир.

Иккинчи воситалар гуруҳи шахсни индивидуал тартибда қўллашга қаратилган бўлиб, биринчи ўринда болани индивидуал ривожланишини, билим даражасини, тарбияланганлик даражасини диагностика қилишини, унинг шахсий муаммоларини ўрганиб чиқишни ҳар бир болани индивидуал ривожланишини кузатишиш назарда тутди. Бунда айниқса муҳим деб ўқитувчилар фаолиятни самарали кечиш вазиятларини шакллантиришга, шахсга ўз қобилиятларини тўла қонли ишлатиш учун имкон яратиш, болани жамоадаги ўрнини бутун гуруҳ учун умумий бўлган масалаларни ечишда, унинг шахсий ҳиссаси аҳамиятини ошириш деб биладилар.

Ҳамкорлик педагогикаси.

Ушбу педагогика Ж.Ж.Руссо, Я.Корчан, К.Роджерс, Э.Берк, К.Д.Умижний, Н.П.Пирогов, Л.Н.Толстой, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинский, А.С.Макаренколарнинг тажрибалари асос бўлди.¹⁶

Ҳамкорлик педагогикаси, ҳозирча конкрет бир модел кўринишга эга эмас, уни мезон ва қўллайдиган воситалари ҳам аниқ чегаралари йўқ. Лекин бу ғоя деярли барча замонавий педагогик технологияда мавжуд. Шунинг учун ҳамкорлик педагогикасини турли технологияларга «сингив кўрувчи» технология деб аташ мумкин.

Ҳамкорлик педагогикаси қўлланилиши даражаси томонидан умумпедагогик технологиядир, фалсафий асоси бўйича гуманистик, асосий ривожланиш омили бўйича комплексли био, соcio ва психогендир, бошқарув тури бўйича кичик гуруҳлар турли, ташкилий формаларни анъанавий клуб формаси, индивидуал-гуруҳий, дифференцияланган, болага нисбатан муносабат тури бўйича, инсонпарвар ва шахсга қаратилган, субъект технология субъект; асосий усули бўйича муаммоли, ижодий, диалогга,, ўйинга асосланган.

Ҳамкорлик педагогикаси бу катталар ва болалар томонидан биргаликда олиб бориладиган ривожлантирувчи фаолият ғоясидир. У бир-бирини тушуниш фаолиятини боришини ва натижаларини биргаликда таҳлили қилишни назарда тутди.

Жамоа даражасида ҳамкорлик муносабатлари ўқитувчилар ўртасида, маъмурият, ўқувчи ва ўқитувчилар ташкилотлари ўртасида ўрнатилади. Ҳамкорлик тамойилига мактаб ва оила, жамоат ва меҳнат ташкилотлари билан ўрнатиладиган алоқаларда ҳам асосланади.

Ҳамкорлик педагогикаси ўқитиш мазмунини шахс ривожи йўлида қўлланиладиган воситаси сифатидагина аниқлайди (анъанавий педагогикада ўқитиш мазмуни, мақсади даражасига кўтарилган эди).

¹⁶ М.Ўралова. Ш.Маъмуров. “Педагогик технологиялар” фанидан маърузалар матни. Фарғона. 2010 йил. 39-40 бетлар.

Ушбу қараш билан ҳозир биз келтирмоқчи бўлган ҳамкорлик педагогикаси ғоялари чамбарчас боғлиқдир. Билим мактабини тарбия мактабига айлантириш:

- Мактаб фаолияти марказига ўқувчи шахсини қўйиш;
- Умуминсоний қадриятларни шакллантириш;
- Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- Миллий ва маданият анъаналарини қайта тиклаш;
- Жамоа ва индивидуал тарбияни ўзаро боғлиқ ҳолда олиб бориш;
- Қийин мақсад қўйиш.

Ҳамкорлик педагогикаси ўқув муассасаларини бошқа тарбия институтлари орасида етакчи ўринни эгаллашини эътироф этади.

4. Ўқитишнинг интерфаол услублари ва улардан фойдаланишнинг методологик асослари.

Танқидий фикрлашни ўстиришга хизмат қиладиган методлар “Демократик таълим учун” консорциуми томонидан амалга ошириладиган “Танқидий фикрлаш учун ўқиш ва ёзиш” лойҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Консорциумнинг аъзолари: Халқаро ўқиш ассоциацияси, Хобарт ва Уильям Слимс коллежлари ва Шимолий Айова штат университети. Бу лойиҳани Нью-Йорк жамият институти ва Марказий Осиё тўғрисидаги Марказий ва Шарқий Европадаги Сорос фонди маблағ билан таъминлайди.

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишда қуйидаги асослардан келиб чиқадилар: Танқидий фикрлаш нима ?

Фикрлаш – ўқиш, ёзиш, сўзлаб ва эшитишга ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни қамраб олади.

Фикрлаш контекстидан таълимий дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироқлашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса ҳам эмас.

Браун (1989) таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларидан ажратилган ўқув кўникмалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу кўникмаларни янги вазиятларда қўллай олмайдилар.

Рихер таъбири бўйича ўрганиш ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультимедиа маданияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Бу тадқиқотларнинг асосий натижалари:

1. Самарали ва мутасил ўрганиш асосида талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш, синтезлаш ва уларни тўла эгаллаш фаоллиги ётади (Андерсон ва унга ҳаммуаллифлар, 1985)
2. Ўрганиш жараёни фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг турли туман стратегиялардан фойдалангандагина муваффақиятлироқ бўлади. Бундай стратегия ўрганиш жараёнини янада онглилаштиради (Палинскар ва Браун, 1989)
3. Ўрганиш ва танқидий фикрлаш талабаларнинг аниқ вазифаларга нисбатан янги билимларни қўллаш имкониятларига эга бўлган тақдирда ривожланади (Ресник, 1987)
4. Ўрганиш талабаларнинг олдинги билимлари, тажрибаларига таянгандагина мустаҳкамланади. Булар талабаларнинг билан билимларини янги ахборотлар билан боғлаш имкониятини беради (Рос, 1990)
5. Танқидий фикрлаш ва ўрганиш ғоя ва тажрибаларнинг турли-туманлигини педагоглар тушунган ва қадрлаган вақтдагина амалга ошади. Танқидий фикрлаш “яккаю ягона тўғри жавоб”ни қабул қиладиган менталитист жараёнида юз бермайди.

Танқидий фикрлашнинг ривожланиш муҳитини яратиш ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Лекин танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув шароитлари тўплами мавжуд. Унинг учун:

Танқидий фикрлаш тажрибасини эгаллаши учун вақт ва имконият бериш.

- талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;
- талабаларни кулгига қолмасликка ишонтириш керак;
- ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш;
- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар:

- Ўқув жараёнида фаол иштирок этиш;
- Турлича фикрларни эътибор билан тинглаш;
- Ўз ҳукмларини шакллантиришга ҳамда ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Вақт. Танқидий фикрлаш вақт талаб қилади.

Пирсон, Ҳансен, Гордон (1979)лар таъкидлашадики, ўз фикрларини ижод қилиш гўё аввалги ғоя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жиҳатдан тадқиқ қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам:

- Фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш;
- Ўзаро танқидий фикрлар алмашиш;
- Ўз ғояларини ифодалай олиш ва конструктив таклифларга жавоб ола билиш;
- Фикрларни муайян ғоялар қиёфасида, қулай муҳитда амалга ошира олиш ва ўз ғояларини тўла ва аниқ ифодалай олиш.

Изн. Танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун талабалр маъқул ва номаъқул нарсаларни айтиш, улар хақида фикрлаш, ижод қилиш учун рухсат олишлари лозим. Талабалар йўл қўйиладиган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар.

Танқидий таҳлилга изн олиш онглилик тамойилига асосланади. Бунда таҳлил ва ҳаддан ошиш орасидаги фарқ аниқлаб берилиши лозим. Танқидий фикрлашга изн фикрлаш учун чинакам мақсад бўлган дўстона ҳамда самарали шароитда берилади.

Ранг-баранглик. Талабаларнинг фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади.

Ранг-баранг фикр ва ғоялар яккаю-ягона жавоб мавжудлиги хақидаги тасаввур бартараф қилинган чоғдагина юзага келади. Фикрларни ифода қилиш чегараланганда талабаларнинг фикрлашига чек қўйилади. Фақат биргина жавоб мавжуд бўлган тақдирда хилма-хил восита ва жараёнлардан фойдаланиш жоизки, унинг ёрдамида талабалар ана шу жавобни топа олсин.

Фаоллик. Танқидий фикрлаш талабалрнинг фаоллиги билан бевосита боғланган. Одатда, талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, чунки уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимлари ўқитувчи масъул эканлигига тайёрлиги танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғоялари ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишига даъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Михали Чикжентмиалий (1975) таъкидлайдики, талабалар ўша мураккаб даражадаги ўқув жараёнида фаол иштирок этишса, билиш жараёнида қатнашганлигидан катта баҳра оладилар ва ўзларида чуқур қониқиш ҳиссини сезадилар.

Таваккалчилик, Эркин фикрлилик таваккалчиликка асосланади. Унинг билим фаолиятида қурқмай таваккал қилувчи инсонларни рағбатлантириб туриш жоиздир. Фикрлаш жараёнида “аҳмоқона ғоялар” ақл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи буни ўқув жараёнининг табиий ҳолати сифатида талабаларга тушунтириш лозим.

Талабаларни таваккалдан ҳоли бўлган, яъни ғоялар қадрланган, талабаларнинг фикрлаш фаолиятида фаол иштирокини юқори мотивациялаш имкони бўлган муҳитда ўйлаш лозимлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Қадрлаш. Танқидий фикрлашнинг омилларидан бири талабаларнинг фикрлаш жараёнини қадрлашидир. Ташкил этилган фикрлаш жараёнида талабалр ўз ғоялари, тасаввурларининг ўқитувчи томонидан қарланаётганлигини тушунган ҳолда чуқур масъулият ва эътиборга яраша жавоб қайтарадилар.

Талабалр ўз фикрлаш жараёнини қадрлашни намоёиш қилишга ҳаракат қиладилар, унга ва унинг оқибатларига нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар.

Қимматлилик. Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба уларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур.

Ўқитувчи талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан ҳоли бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига таалуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш зарур. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қиматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари зарур. Улар ўз фикрининг тушунча ва масалани муҳокама қилиш жараёнида

ўта муҳим, шунингдек, катта ҳисса бўлиб ҳисоблашишини тан олишлари керак.

Ўзаро фикр олишув. Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро фикр олушувини кўзда тутди. Талабаларнинг ўзаро фикр олишиши уларнинг бир-биридан ўрганишдаги ўртоқчилигига асос солади. Талабалардан фикрловчи сифатида ўзларида бўлган йирик фикр ва оддий хатога бўлган қобилиятларини бошқаларга очиб бериш талаб этилади.


Ўзаро фикр олишишда талабалардан диққат билан тинглаш, ўзининг қарашлар тизимини сўзловчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчиларни тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалр бошқаларнинг ялпификрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўлароқ талабалр ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд. Улар:

- Ўзига ишонч ҳосил қилиш;
- Ишда фаол иштирок этиш;
- Ўртоқлар ва ўқитувчи билан фикр олишиш;
- Ўзгалар фикрини тинглай олиш.

Танқидий фикрлашни таъминловчи саволлар. Танқидий фикрлаш жаарёнида ахбортни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, ғояларни таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳикояларни ўз тахминий режалари билан қайта таълил қилинаётган бу саволлардан фойдаланилади. Қўлланмада таҳлил қилинаётган бу масалалар Седерс (1969) ифодалари ва Блум тизимли саволларидан олинди. Бу саволлар турли сатҳдаги қийинчиликда фикрлашнинг турл кўринишларини таъминлашда восита бўлиб хизмат қилади. Эслаб қолишга хизмат қиладиган саволлар ёки формал сатҳдаги саволлар энг қуйи сатҳдаги саволларга таалуқлидир. Баҳолаш ёки ҳукм

чиқариш бериладиган саволлар фикрлашни таъминлайдиган иккинчи сатҳдаги саволлар сифатида қаралади.

Танқидий текшириб кўриш



Формал сатҳ саволлари фактологик ахборотлар олиш мақсадида берилади. Улар фақат механик эслашни ва талабаларда яхши жавоб бериш учун қисқа муддатда маълум предметлар бўйича билим қисмлари (фрагмент)ни талаб қилади.

Ахборотларни бир шаклдан иккинчи шаклга кўчириш талабалрдан уни кўчим (трансформация) қилишни талаб қилади. Кўчириш саволлари талабаларга ўрганаётган, тавсифланган ва кўрган вазиятлари, саҳналари ва воқеаларини ўзлари намойиш эта олишлари учун берилади. Кўчириш саволлари талабаларни ахборотларни қайта ишлаш ёки бошқа шаклларга кўчим қилишга илҳомлантиради. Талабаларга сезиш, кўриш (сенсор) тажрибасини яратиш, шундан сўнг эса бошқаларга ўз кўрганларини

еткизиш учун уни эълон қилиш зарур. Бу фикрлашга тортишнинг фаол ижодий жараёнидир.

Талабаларга ғоялар, фактлар, кайдлар ва қадриятлар орасидаги боғланишларни очиш учун изоҳлашга қаратилган саволлар берилади. Сэндрс изоҳлашга қаратилган саволларга нисбатан юқори даражадаги фикрлашни талаба қиладиган таянч саволлар деб қарайди, бошқалари эса (Вогн ва Эстес) тушунишнинг ўзигина изоҳлашдир, деб ҳисоблайдилар.

Тадбиқ қилишга қаратилган саволлар ўқиш (талаффуз) жараёни ёки ўрганиш тажрибасида учрайдиган мантиқ муаммоларини ечиш ва чуқур ўрганиш учун имконият беради.

Таҳлил этишга қаратилган саволлар талабалардан у ёки бу воқеанинг аҳамияти етарли даражада яхши ёритилганми, йўқми деган саволга жавоб беришга ундайди.

Синтез қилишга қаратилган саволлар янгича фикрлаш асосида ижодий муаммоларни ҳал қилишга даъват этади. Синтез саволлари талабаларга ўзининг барча билим ва тажрибаларини муаммонинг ижодий ечилишида фойдаланишга имкон беради. Синтез саволлари муқобил сценарийлар яратишни ҳам тақозо қилиши мумкин.

Баҳолаш саволлари яхши ва ёмон, адолатли ва адолатсизлик тўғрисида ҳукм чиқариш учун берилади.

Баҳолаш саволлари талабалар, ахборотлар сифатини, янги ахборотларга нисбатан ўз муносабатини баҳолай олиши, уларни қадрлай олиши учун берилади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш муаллифлари фикрлаш жараёнини ташкил этишда идрок қилишнинг 4 типини фарқлайдилар:

Яхлитлигича идрок этиш. Мавзу ёки фан тўғрисида умумий билим берадиган идрокнинг шаклидир.

Изоҳли идрок этиш. Бу Блум изоҳлари даражасига айландир. Идрокнинг бу типиди талаба ғоя ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқаларини

ёритади, унинг моҳиятини муҳокама қилади, фаннинг турли соҳаларига оид ғоя ва ахборотларини ҳатто ташқи жиҳатдан боғлиқ ҳодисаларни бирлаштиради.

Шахсий идрок этиш. Талабалар ўзларида авадан мавжуд бўлган шахсий тажриба ва билимлар тузилмасини янги билимлар билан боғлаб тушуниш жараёни акс эттиради.

Танқидий идрок этиш. Мазмунни бир томонга қўйиб, уни таҳлил қилиш, унинг нисбий қимматини, тўғрилигини, фойдалилигини ва талабаларнинг билиши, тушуниши ва қабул қилиши доирасида унинг аҳамиятини баҳолашдир.

Шундай қилиб, ахборотларни чорлаш, ўйлаб кўриш ва фикрлаш методикаларидан фойдаланиш куйдаги муҳим вазифаларни ечиш имкониятини беради:

- Талабаларга мақсадларини англаб олишга ёрдам беради;
- Машғулотларда фаоллигини таъминлайди;
- Самарали мунозарага чорлайди;
- Талабаларнинг ўзлари саволлар тузиши ва уни савол тарзида бера олиши учун ёрдам беради;
- Талабаларга ўз шахсий билимларини ифода қилишга ёрдам беради;
- Талабаларнинг шахсий мутолааси мотивациясини қўллаб-қувватлайди;
- Ҳар қандай фикрларга бўлган ҳурмат қайфиятини яратади;
- Талабаларда персонажларга бўладиган изтиробини ўстиришга ёрдам беради;
- Талабалар кадрланадиган фикрлашга шароит яратади;
- Ўзгаришлар содир бўлишига сабаб сифатида хизмат қилади
- Талабаларнинг танқидий жалб қилинишига бир қатор умидлар билдирилади.

Кубиклар

Кубиклар (кован ва кован 1980) – бу дарс ўқитиш методикаси бўлиб, у ўзгарувчан перспективалар мавзуни ўрганишни осонлаштиради. Ҳар тамонида тўрт талабалар берилган кубиклардан фойдаланилади, кубикни бирор бир қутича олиб ёнига қоғозлар ёпиштириш билан ясаш мумкин, томонлари 15-20 сантиметр бўлгани яхши, кубикнинг олти томонига қуйидаги кўрсатмаларни ёзадилар: буни тасвирлаб беринг, буни тушунтириб беринг, ўқитувчилар ўқувчиларни кубик тузиш жорийлигидан бошлаб бориб белгиланган мавзу бўйича эркин ёзма ишга (2-4 минут) уларга қисқа вақт берадилар, бу жараён шундай олиб борилади.

Биринчидан, мавзу берилади, шундай кейин ўқувчиларга мавзу ҳақида ўйлаб кўриш, чиқиб уни қандай кўраётган бўлсалар шундай тасвирлаш сўралади: ранги, шакли, белгилари ва шу кабилар.

Шундай кўрсатмалар билан йўналтирилган ўқувчилар белгиланган вақт давомида, маълум мавзу бўйича эркин фикрлаб, ёзиб борадилар.

Бу жараён кубикнинг олти томонида кўрсатилганидек давом этади. Кубикнинг олти томони учун кўрсаткичлари қуйидагича: тасвирланг, предметга диққат билан қаранг (фақат ўз хатингизда бўлиши мумкин) ва нимани кўрсатаётганини чизмани тасвирлаб беринг. Ранги, шакли, ҳажми.

Буни таққосланг, бу нимага ўхшайди ?

У нимадан фарқланади.

Сабабларини тушунтириб беринг у сизни нималар ҳақида ўйлашга мажбур этмоқда? Булар ўхшаш ёки турли нарсалар бўлиши мумкин: буюмлар, одамлар, жойлар.

Сиз фақатгина ўз ҳаётингизда эркинлик беринг ва предмет сизга нимани айтишини тасвир этинг.

Буни таҳлил қилинг. Айтингчи, сиз у билан нима қила оласиз. Ундан қандай фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун сабаблари асослаб беринг.

Ишончли далиллар топишга ҳаракат қилинг ҳар қандай асос кубикнинг уч томонини тўплаилар ва улар бўйича ўз фикрларини айтади. Ўз шеригига нима ёзганига ўқиб беради.

Шундай қилиб, танқидий фикрлаш берилгандан ҳам ривожланган ғояни ишлаб чиқиш сифатида қаралади. Булар мавзуда ғоялар орасидаги фарқларини топишдан иборат.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришга амалда саволлар ёрдамида эришиш мумкин:

-таҳмин қилишга савол.

-синтез қилишга савол.

-шарҳлашга савол.

-қўллашга савол.

Юзага келтириш, англаб етиш, фикрлаш педагогик стратегиялар қуйдагилар ҳисобланади: “Кубик” “Кластерларга ажратишга” “Синквейн”.

Кластерларга бўлиш. Бу педагогик стратегия бўлиб, талабаларнинг у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фақат ғоялар орасидаги боғланишларни фикрлашни таъминлаш имкониятини берадиган тузилмани аниқлаб олишни талаб қилади. У фикрлашнинг оддий шакли эмас, балки мия фаолияти билан зич боғланади.

Кластерларга бўлишдан ахборотларни чорлаш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. У муайян мавзу синчиклаб ўрганилгунча фикрлаш фаолиятини таъминлашда фойдаланилиши мумкин. Кластерларга бўлиш талабаларнинг тасаввурларини янги боғланишлари ёки уларнинг график ифодалари кўринишларини таъминловчи сифатида ҳам ўтганликларини якунлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бу ўз билимларига, муайян мавзу тўғрисида тасаввурига ва уни тушунишга йўл очадиган назардаги стратегиядир.


Кластерларга бўлиш қуйидаги усулларда аалга оширилади:

1. Ҳушингизга келган барча фикрларни ёзиб олиш. Бу фикрларни муҳокама қилманг, шунчаки ёзиб олаверинг.
2. Хатни (матнни) кечиктирадиган имло ва бошқа омилларга ҳам парво қилманг.
3. Сизга берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ёзишдан тўхтаманг. Миянгизга фикр келиши тўхтаб қолса, токи янги фикрлар келгунга қадар қоғозда нималарнидир чизиб ўтиринг.
4. Имкони борича, боғланиши мумкин бўлган ғояларни тизиб чиқинг, ғояларнинг оқими сифати ва улар орасидаги алоқаларни чегаралаб қўйманг.

Кластерларга бўлиш, Стил ва Стил (1991)нинг таъбирича, бу жуда мослашувчан стратегиядир. Уни индивидуал тарзда ҳам гуруҳда ҳам қўллаш мумкин. Гуруҳ фаолиятида у гуруҳ ғояларининг тирговичи сифатида хизмат қилади. Бу эса талабаларни ҳар бир амалда бўлган боғланишларга, алоқаларга яқинлаштиради.

Синквейн. Ахборотдарни қисқача баён қилиш, мураккаб ғояларни, сезгиларни, тасаввурларни бир неча сўзлар воситасида баён қилиш имконияти муҳим малакадир. Бу бой тушунчалар заҳираси асосидаги ўйланган рефлексияни талаб қилади. Синквейн бу шеър бўлиб, у бирор воқеа муносабати билан ёзиладиган ёки рефлексия қилинадиган қисқа ифодаalarda ахборот ва материалларнинг синтезланишни талаб этади.

Кластер намунаси



Синквейн сўзи французча сўз бўлиб, беш деган таржимани беради. Демак, синквейн беш қатордан иборат шеърдир.

Синквейнни ёзиб чиқиш қондаси қуйдагича:

- 1.Биринчи қаторда мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).
- 2.Иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).
- 3.Учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича ҳатти-ҳаракатлар уч сўз билан тавсиф этилади.

4. Тўртинчи қаторда темага алоқадорликни кўрсатувчи 4 сўздан иборат гап (ибора) ёзилади.

5. Бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синонимдир

Амалиётда синквейн:

- Мураккаб ахборотни синтезлаш қуроли;
- Талабалар тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси;
- Ижодий ифодалилиқ воситаси сифатида жуда фойдалидир.

Синквейн тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор, айна замонда қудратли қурол ҳисобланади.

5. Педагогик ўйин технологиялари.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини-ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Л.С.Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н.Леонтьев ўйинга шахснинг ҳаёлотдаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади. Улар қуйидагилар:

- мафтункорлик;
- коммуникативлик;
- ўз имкониятларини амалга ошириш;
- даволовчилик;
- ташхис;
- миллатлараро мулоқот;
- ижтимоийлашув.

Тадқиқотчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиққанлар. Ўйинларнинг муҳим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожланувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият фақат натижа (тадбирни) туфайли баҳра олиш учун эмас, балки хоҳишларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун қўлланади. Ўйин ижодийлиги билан ажралиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерга – “ижод майдони”га эга бўлади.

Ўйин учун ҳиссий кўтаринкилик хосдир. У ўзаро кураш, мусобақалашиш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришнинг мантиқий ва вақтинча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишли ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар.

Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.

Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалашиш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз

имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига камраб олади:

- ўйнаш учун олинган роллар;
- бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;
- предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсалари ўрнида қўллаш;
- ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари;
- ўйинда шартли равишда яратилган сюжет (мазмун)-ижро соҳаси.

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлимини ўзлаштиришда ўқитиш методи ва мустақил технология сифатида фойдаланилади.

Ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади.

Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланади.

Ўйинининг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантириш меҳнат кўникмаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий мақсади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик ва дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллктивизмни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диққат, ҳотира, нутқ, тафаккур, қиёслаш малакаси, солиштириш, ўхшашини топиш, фараз, ҳаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган.

Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларига жалб қилиниш, муҳит шароитларига кўникиш, эҳтиросларни назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, мулоқотга ўргатиш, психотерапияни назарада тутати.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд.

Педагогик жараёни ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар “ўйинли педагогик технологиялар”ни ташкил этади.

Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади.

Педагогик ўйинлар асосида талабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади.

Г.К.Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади:

- **дидактик** мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашуш унсурлари киритилади;
- дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характери, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин муҳити бўйича тасниф қилинган.

Олий мактаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига аҳолида аҳамият берилади.

Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланган.

Тадбиркорлик ўйинларини машҳур психологлар Л.С.Вигодский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва бошқаларнинг ишларида назарий асосланган.

Тадбиркорлик ўйинлари ўз характерига кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришнинг амалдаги воситаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида XX асрнинг 20 – йилларида гуркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига тақлидий (имитацион) ўйинлар билишнинг воситаси сифатида асос бўлди. Тақлидий ўйинларга ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий –сиёсий ўйинлар асос бўлган.

А.А.Вербицкий тадбиркорлик ўйинларига ўқитишнинг ишоравий-контекст шакллари сифатида қарайди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак касбий фаолият модел ёки унинг прототипи, қайсидир сунъий ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатланади. Шу туфайли тадбиркорлик ўйинлари касбий фаолиятнинг ишоравий моделлари сифатида белгиланади, унинг контексти (мазмун) ишора воситалари, яъни табиий тилни ҳам ҳисобга олган моделлаштириш, тақлид (имитация) ва алоқа ёрдамида берилади.

А.А.Вербицкий олий ўқув юртининг вазифасини бундай ўқитишда, яъни талабани бир етакчи фаолият тип (ўқув) дан бошқа касбий типга фаолиятнинг предмети, мотиви, мақсади, воситаси, усул ва натижаларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган (ўзлаштирилган) ҳолда ўтказишни таъминлаш деб билади.

Тадбиркорлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан қуйидагиларни билдиради:

- ишлаб чиқариш имитацио модели сифатида тақдим этилган ўқув материали мазмунининг изчиллиги;
- ўйинли ўқув моделида келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиш;

- ўқув жараёни тарзини билимларга эҳтиёжларни туғдириш ва уларни амалда қўллашнинг реал шароитларига яқинлаштириш;
- ўйиннинг таълимий ва тарбиявий самарадорлиги йиғиндиси;
- ўйинни олиб боровчи ўқитувчининг талабалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришидан талабаларнинг ўз ҳатти-ҳаракатларини ташкил этиш ва бошқаришга ўтишини таъминлаши;

А.С. ВА г.ф.Арбенъевлар тадқиқотларига тадбиркорлик ўйини мутахассиснинг эвристик тафаккурини ривожлантиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади.

А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштиришидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири қуйидаги талабларни бажариши лозим:

- касбий доира имитацияси яхлитлиги. Ўйин имитациясига таалукли бўлган тузилма ва жараёнлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим;
- мустақил ташкил этишга йўналганлиги;
- ўқитишнинг муаммолиги;
- методологик, психологик ва тезник жиҳатдан таъминланганлиги;

Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб боровчи ўқитишни таъминлаш керак. Шу мақсадда унда фаолият ривожланишининг тўлиқ даврийлиги имитацияси амалга оширилади, яъни қандайдир вазият ечимига бўлган ёндашувдан топилган ечимнинг умумлаштирилган баҳоси ўтилади.

АА.Тюков ўйин даврийлигининг қуйидаги босқичларни қайд қилади: вазиятни ва муаммолаштиришни таҳлил қилиш асносида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича ўйин иштирокчисининг сермахсул мустақил ижодий иши.

- Амалий гуруҳларнинг иш натижаларини умумий танқидий муҳокама қилиш;

- Ўйин жараёни ва иштирокчилар ҳатти-ҳаракатларини рефлексив таҳлил қилиш;
- Ўйин жараёни ва иштирокчилар ҳаттиҳаракатларини рефлексив таҳлил қилиш;
- Ечимни ташкил этиш босқичи.

Я.С.Гинзбург ва Н.М.Коряк ўйиннинг қуйидаги ижтимоий – психологик хусусиятларини фарқлайди:

- Гуруҳ характери;
- Яратувчанлик, шартлилик;
- Рамзийлик, утилитар бўлмаслик характери;
- Белгисизлик (мавҳумлик), тарқалувчанлик хусусияти

Тадбиркорлик ўйинини тайёрлашнинг иқтисодий-психологик муаммоларига қуйидагилар киради:

- Иштирокчиларни танлаш;
- Ролларни тақсимлаш;
- Ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;
- Ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш;
- Назарий билимларини амалда қўллаш олиш;
- Шахсий тайёргарлик.

И.Оллоёров тадбиркорлик ўйинларига ўқув ишларини ташкил этишнинг бир шакли сифатида қарайди. У ўйинлар ўқув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўқув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси ҳамда ўрганилаётган фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аниқ белгиланган дидактик функцияларни бажаришни таъкидлайди.

Тадбиркорлик ўйинларининг дидактик функцияларга қуйидагилар киради:

- Талабаларда ақлий фаолият усуллариининг шаклланиши;
- Билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш;

- Ўқув жараёнида бўлғуси мутахассиснинг фаолияти фақат ўрганиш эмас, балки уни бажаришга қаратилган дидактик қоидалар ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;
- Талабалар ўқув-билиш фаолиятининг бўлғуси касбий фаолияти, характери ва тузилмасига максимал даражада яқинлашиб бериши.

Тадбиркорлик ўйини ижтимоий-педагогик тизим сифатида қуйидаги тайёргарлик қўйиш:

1. Ўқув-билиш вазифаларини муаммоли вазият топшириғи шаклида қўйиш:
 - Бўлғуси тадбиркорлик ўйинининг мақсадини аниқлаб олиш;
 - Муаммоли вазиятни англаб етиш;
2. Талабаларга навбатдаги вазифани бажариш учун зарур бўлган аввал эгалланган билимлардан фойдаланиш:
 - Талабаларнинг ўқитувчидан ёки адабиётларни таҳлил қилиш орқали янги билимларни қабул қилиб олиши;
 - Бажарилиши лозим бўлган иш тўғрисида талабаларга йўл йўриқларни кўрсатиш;
 - Олинган билим, ўзлаштирилган илмий тушунчалар ва ишлаш методларини умумлаштириш;
 - Ўз-ўзини назорат қилиш;

Тадбиркорлик ўйинларининг шартларини тушунтириш ва вазифани бажариш учун зарур бўлган янги амалий билимларнинг ахборотини бериш.

2-БОБ бўйича хулосалар

Махсус адабиётларда педагогик технологиялар классификацияси берилади. Умумлаштирилган ҳолда ушбу тизимни Г.К.Селевко берган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Қўлланиш даражаси: умумметодологик, махсус услубий, локал модул.

2. Фалсафий асоси: материалистик, илмий гуманистик, идеалистик, диний антигуманистик ва бошқалар.

3. Шахс ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий деб олинган омил бўйича: биоген, социоген, психиоген, идеалистик.

Бугун шахс шаклланишига бир эмас бир неча омил таъсир кўрсатиши тан олинган. Лекин турли технологиялар омиллардан бирини устун қўяди.

Педагогик технологияларнинг муҳим томони жараёнда таълим олувчи позицияси ва унга нисбатан таълим берувчи муносабатидир. Шу нуқтаи назардан бир неча типдаги технологиялар мавжуд:

А) Авторитар технологиялар-педагог ягона фаол шахс, хурфикрликнинг йўқлиги, мажбурлаб ўқитиш.

Б) Дидактоцентристик технологиялар-бунда ўқувчи шахсига беътиборлик, ўқитишни тарбиялашдан кўра устун қўйиш, ўқитиш воситалари шахсни шакллантирувчи асосий омил деб ҳисобланади.

В) Шахсга қаратилган технологиялар-бутун таълим тизими марказига шахсни қўядилар, унинг табиий қобилиятларини ривожлантириш, унинг ривожланиши учун хавфсиз шароитлар яратиб беришни ўз мақсади деб билади. Бу технологияларда шахс таълим тизимининг мақсади бўлиб чиқади.

Бу технологиялар 3 га бўлиниши мумкин.

Инсонпарварлик технологияси: - бошқалардан инсонпарварлик моҳияти, шахсга ёрдам беришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Улар болага нисбатан ҳурмат ва мухаббат ғояларини олдга суради.

Ҳамкорлик технологияси: - педагог ва ўқитувчилар ўртасида демократик муносабатларни қўллаб қувватлайдилар. Ўқитувчи ва талабалар биргаликда мақсадни, таълим мазмунини аниқлайдилар, баҳолайдилар, ҳамкорликда изланадилар.

Эркин тарбия технологияси: - болага унинг ҳаётидаги маълум миқдорда мустақил танлаш учун шароит яратиб беришни назарада тутди. Шунда бола ташқи таъсир орқали эмас, балки ички туйғулардан келиб чиққан ҳолда мақсадга интилади.

III. БОБ

ТАДҚИҚОТ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ

1. Тажриба ва назорат гуруҳларида эришилган тажриба ва синов натижалари кўрсаткичи.

Ушбу магистрлик диссертацияси доирасида амалга оширилган тадқиқотимизнинг асосида ўқув муассасаларида ЧҚБТ машғулотларини ташкил этиш ва режалаштиришнинг услубий-педагогик жиҳатларини ўрганиш, уни янада ривожлантиришнинг самарали йўллари излаб топиш, ёшларнинг ЧҚБТ машғулотларига бўлган қизиқишларини ошириш муаммоси туради.

Шу муносабат билан илмий тадқиқот бўйича экспериментларни амалга ошириш мақсадида Фарғона Солиқ коллежини танлаб, у ерда таълим олувчи ёшлар билан экспериментал гуруҳлар ($n_1=25$) ташкил этиб, махсус дастур асосида машғулотларни амалга оширдик. Амалга ошириладиган экспериментал машғулотларнинг услубий ва сифат натижаларини таққослаш ва тегишли хулосаларга келиш мақсадида ушбу коллеж талабаларидан назорат гуруҳларини ҳам ($n_2=25$) танладик.

Дастурда назарий жиҳатдан – ЧҚБТ фани бўлимлари, уларнинг мамлакатимиз мудофаасини таъминлашда, чақирилувчи ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беришга ҳаракат қилдик.

Жумладан, коллеждаги ёшларни айнан ёш хусусиятлари бўйича бир хил икки гуруҳга бўлдик. Ҳар бир гуруҳ категорияси учун уларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний ва ақлий имкониятларига мос талабларни қўйиб, экспериментал машғулотларни ташкил этдик. Машғулотлар бир ўқув йили мобайнида (2012-2013) олиб борилди.

**Талабаларда машғулотларга бўлган қизиқишлар даражасини
ўрганишга қаратилган саволнома**

1. Ҳурматли _____

—

Фамилиянгиз,

исмингиз _____

Ёшингиз? _____

—

2. ЧҚБТ машғулотлари сифати сизни қониқтирадими?

3. Ушбу машғулотларда фаол қатнашасизми?

4. Турли ҳарбий-спорт мусобақалари ташкил этилса, сиз ўз вақтингизни ушбу тадбирларни томоша қилишга сарфлайсизми, ёки ушбу мусобақаларда қатнашасизми?

5. Коллеждаги қайси ҳарбий тўғарак бўйича машқларда иштирок этасиз?

Шунингдек, талабаларда ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси машғулотларига нисбатан муносабатлар даражасини ўрганиш мақсадида саволнома ишлаб чиқдик.

**Талабаларда ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси
машғулотларига нисбатан муносабатлар даражаси меъёрини
ўрганишга қаратилган саволнома**

1. Ҳурматли _____

—

Фамилиянгиз,

исмингиз _____

Ёшингиз? _____

—

Қайси гуруҳда ўқийсиз? _____

2. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси деганда нимани тушунаси?

3. Сиз кололеждаги қайси ўқитувчига ўхшашни хоҳлар эдингиз ва нима учун?
4. “Ватан химоячилари куни” байрамига бағишланган мақола тайёрлаш топширилса, уни уддалайсизми?
5. Сизнингча, ҳарбий спорт ўйинлари ва мусобақаларини, ёки турли тадбир ва учрашувларни мунтазам ташкил этиш зарурми?

Юқорида келтирилган саволномалар асосида коллеж талабаларида ХВТ ва ЧҚБТ машғулотларига, унинг сифати ҳамда самарадорлигига нисбатан намоён этиладиган қизиқишлар даражаси ва муносабат меъёрини ўрганиш имкони яратилди. Экспериментал тадқиқот натижаларини таққослаш ва асосли ижтимоий-психологик натижаларга эга бўлиш мақсадида назорат гуруҳлари ҳам танланди.

Бундан ташқари, талабаларда машғулотлар сифатига нисбатан муносабатлар шаклланишида уларнинг ўз билимлари ва ҳарбий тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматга бўлган муносабат даражасини ўрганиш мақсадида “Кондаш шкаласи” методикасидан фойдаландик.

Бу шкала шахсдаги у ёки бу кечинма, қоникмаслик симптомини эмас, балки, ўз билими ва жисмоний имкониятлари, машғулотларнинг қизиқарлийдигани ва илмийлиги бўйича қониқиш ҳисси даражасини баҳолайди. Ушбу шкаланинг афзаллиги шундаки, биринчидан, у ёшларнинг қоникмаслик ҳисси манбаларини аниқлайди, иккинчидан, бошқа типдаги саволномалардан кўра, ёшларда интроспекциянинг (ўз-ўзини кузатиш) ривожланиши даражасига боғлиқ бўлмайди.

Методика бланки вазифалар ва у бўйича кўрсатмани ўз ичига олган бўлиб, тадқиқотни гуруҳ шароитида ўтказишга имкон яратади. Бланкнинг биринчи бетида фамилияси, исми, гуруҳи, ёши ва тадқиқотни ўтказиш вақти кўрсатилади

Назорат гуруҳларида ЧҚБТ машғулотларида шу кунгача фойдаланиб келинган ва ҳозирда ҳам фойдаланилаётган ўқитишнинг анъанавий услубларидан фойдаланилди. Тажриба гуруҳларида эса

машғулотлар хусусиятларидан келиб чиққан холда, педагогик технологияларнинг янги ва мос турларидан фойдаланилди. Технологияларни машғулотлар жараёнида қўллашда илмий асосларга таянилди. Тажриба ва назорат гуруҳларида эришилган натижалар динамикаси қуйида келтирилган.

Назорат гуруҳи

т/р	V-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи	V^2 -ўзлаштириш кўрсаткичининг 2 даги ифодаси
1	3	9
2	4	16
3	3	9
4	4	16
5	4	16
6	5	25
7	5	25
8	4	16
9	3	9
10	3	9
11	3	9
12	3	9
13	4	16
14	4	16
15	4	16
16	4	16
17	4	16
18	3	9
19	3	9
20	3	9
21	3	9
22	5	25
23	5	25
24	3	9
25	5	25
n-25	$\Sigma V=94$	$\Sigma V^2 = 377$

Қуйидаги формула ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш сифатининг дисперсия кўрсаткичи аниқланди.

$$\begin{aligned}
 1). \quad X &= \frac{\sum v}{\eta} = \frac{94}{25} = 3.76; \\
 2). \quad \alpha &= \sum v^2 - \frac{(\sum v)^2}{\eta} = 377 - \frac{8836}{25} = 353.44 = 23.56; \\
 3). \quad \varsigma &= \sqrt{\frac{\alpha}{\eta-1}} = \sqrt{\frac{23.56}{24}} = \sqrt{0.98} = 0.99; \\
 4). \quad \int \chi &= \frac{\varsigma}{\sqrt{\eta-1}} = \frac{0.99}{\sqrt{25-1}} = \frac{0.99}{5} = 0.164; \\
 5). \quad cv &= \frac{\varsigma * 100}{\chi} = \frac{0.164 * 100}{3.76} = \frac{16.4}{3.76} = 4.36;
 \end{aligned}$$

Тажриба гуруҳи

т/р	V-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи	V ² -ўзлаштириш кўрсаткичининг ² даги ифодаси
1	4	16
2	5	25
3	5	25
4	5	25
5	4	16
6	4	16
7	4	16
8	5	25
9	5	25
10	3	9
11	4	16
12	4	16
13	4	16
14	4	16
15	5	25
16	5	25
17	5	25
18	5	25
19	5	25
20	5	25
21	3	9
22	3	9
23	4	16
24	4	16
25	4	16
n-25	Σ V=108	Σ V ² =478

$$\begin{aligned}
1). \quad X &= \frac{\sum v}{\eta} = \frac{108}{25} = 4.32; \\
2). \quad \alpha &= \sum v^2 - \frac{(\sum v)^2}{\eta} = 478 - \frac{11664}{25} = 466.56 = 11.44; \\
3). \quad \varsigma &= \sqrt{\frac{\alpha}{\eta-1}} = \sqrt{\frac{11.44}{24}} = \sqrt{0.47} = 0.69; \\
4). \quad \int \chi &= \frac{\varsigma}{\sqrt{\eta-1}} = \frac{0.69}{\sqrt{25-1}} = \frac{0.69}{5} = 0.138; \\
5). \quad cv &= \frac{\varsigma * 100}{\chi} = \frac{0.138 * 100}{4.32} = \frac{13.8}{4.32} = 3.19;
\end{aligned}$$

Назорат ва тажриба гуруҳларининг қиёсий таҳлили

$$6). t = \frac{\chi^2 - \chi^1}{\sqrt{\int \chi_2^2 + \int \chi_1^2}} = \frac{4.32 - 3.76}{\sqrt{0.138^2 + 0.164^2}} = \frac{0.56}{\sqrt{0.19 + 0.26}} = \frac{0.56}{\sqrt{0.45}} = \frac{0.56}{0.45} = 1.24;$$

Назорат гуруҳи учун:

7). Сифат кўрсаткичи зичлиги: - $(\chi \pm \varsigma)$ $3.76 + 0.99 = 4.75$; $3.76 - 0.99 = 2.77$;

8). Ўртача квадратик четлашиш кўрсаткичи: - $(\chi \pm \int \chi)$ $3.76 + 0.164 = 3.92$; $3.76 - 0.164 = 3.59$;

Тажриба гуруҳи учун:

9). Сифат кўрсаткичи зичлиги: - $(\chi \pm \varsigma)$ $4.48 + 0.65 = 5.13$; $4.48 - 0.65 = 3.83$;

10). Ўртача квадратик четлашиш кўрсаткичи: - $(\chi \pm \int \chi)$ $4.32 + 0.138 = 5.7$; $4.32 - 0.130 = 3.02$;

Бу ерда: V-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи

V^2 -ўзлаштириш кўрсаткичининг² даги ифодаси

X- Ўртача арифметик қиймат

$\sum V$ - Ўртача қиймат йиғиндиси

N- Талабалар сони

ς - Сифат кўрсаткичининг зичлиги

$\sum v^2$ - Ўртача қиймат квадрати йиғиндиси

$\int \chi$ - Ўртача квадратик оғиш кўрсаткичи

Таҳлил натижаларидан кўринадикки ўқув ютида ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ўқитишда таълим жараёнини инновацион лойиҳалар асосида ташкилланганлиги ва ўқитувчининг ўз фанига бўлган ижобий муносабати, изланувчанлиги ўзининг, маънавий, сиёсий, жанговор-техник, жисмоний ва энг муҳими услубий тайёргарлигини такомиллаштириб бориши, ЧҚБТ фанининг меъёрий талабларини чуқур англаб етиши, машғулотлар учун мос шакл ва услубларни танлай олиши, талабаларнинг ҳарбий касб сирларини пухтароқ эгаллашга бўлган қизиқишини ва машғулотларнинг сифати, ҳамда самарадорлигини оширади.

3-БОБ бўйича хулоса

1. Ўқув муассасаларида талаба ёшларнинг ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларини ташкил этиш ва олиб бориш, ҳамда уни самарали равишда таълим жараёнига тадбиқ этиш ишларини ўқув-услубий хусусиятларини ўрганиш муҳим муаммолардан бири бўлиб, уни ўрганиш натижасида талабалар фаолиятини маълум даражада ижобий томонга йўналтириш, уларнинг жисмоний соғлом, бақувват ва эпчил, маънавий баркамол, ватанга содиқ, ватанпарвар шахс бўлиб вояга етишларини таъминлашда маълум даражада ҳисса қўшиш имконияти яратилади.

2. Юқорида келтирилган қиёсий таҳлиллар асосида ёшларда ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларига нисбатан намоён этиладиган қизиқишлар даражаси ва муносабат меъёрини ўрганиш имкони яратилди. Экспериментал тадқиқот натижаларини таққослаш ва асосли ижтимоий-психологик натижаларга эга бўлиш мақсадида назорат гуруҳлари ҳам танланди.

4. Экспериментал машғулотлар давомида тажриба гуруҳларидаги ўсмирларнинг билим даражасининг сифат кўрсаткичи зичлиги:-
 $(\chi \pm \varsigma) 4.48 + 0.65 = 5.13$; $4.48 - 0.65 = 3.83$, ўртача квадратик четлашиш

кўрсаткичи:- $(\chi \pm \Delta \chi) 4.32 \pm 0.138 = 5.7; 4.32 - 0.130 = 3.02$; га ўзгарганлиги кузатилди. Бу эса ўқув юртларида ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларини янгича тартибдаги ва услубдаги ўқитиш технологияларини илмий асосланган тарзда машғулотларга тадбиқ этиш, чуқур педагогик маҳорат билан олиб борилганда, ўзининг ижобий натижаларини беришини англатади. Тажриба гуруҳларида сифат кўрсаткичини юқоридаги тарзда оширилишига таъсир этган омиллар деб, ўқув муассасасида ЧҚБТ машғулотларига ўқитишнинг инновацион усул ва воситаларини самарали тадбиқ этилганлигида деб айтишимиз мумки. Чунки ҳар қандай ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларига асосланган тарзда тадбиқ этилса ва олиб борилса ўзининг ижобий самарасини берар экан.

Хулоса

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий мафкурафий, ижтимоий иқтисодий, маънавий маърифий ислохатлар мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсади, фуқаролик жамиятини қуриш ва халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга ижтимоий йўналтирилган кучли демократик давлат яратмоқда. Республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий” дастури, шубҳасиз мазмун – моҳиятига кўра фақат таълим-тарбия тизимини, кадрлар тайёрлаш жараёнларини ислоҳ қилиш билангина чегараланиб қолмасдан давлатимизнинг келажакдаги равнақи учун улуғвор ижтимоий аҳамият касб этади.

Миллий дастурнинг асосий мақсадларидан бири ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол мавқеини эгаллайдиган, ижтимоий жараёнларга онгли равишда таъсир кўрсатадиган, оила ва мамлакат олдида жавобгарликни ҳис этадиган, мустақил фаолият кўрсатадиган, эркин фикрлайдиган шахсни шакллантиришдир.

Бу мақсадга эришишда кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳар бир босқичида шахс имкониятларининг намоиш этиши, унинг ҳар томонлама ривожлантириш ва ижтимоий шаклланишни таъминлайдиган замонавий узлуксиз таълим жорий этилди.

Ўқитишдаги ушбу тизимни амалиётга тадбиқ этишни пировард натижада, эркин шахсни шакллантириш имкониятини яратади. Бошқача сўз билан ифодаланганда, инсон ўз мақсадларини амалга оширишда бошқалар эркинлигига даҳл қилмаган ҳолатда эркин фаолият кўрсатади. Шу билан бирга ҳар бир фуқаро қонун олдида жавобгарликни ҳис этиш, жамиятнинг бошқа аъзолари билан ахлоқий муносабатда бўлишга мажбурдир. Умуман, миллий дастур асосини ташкил этган узлуксиз таълимнинг туб моҳияти инсоннинг онгли равишда, аниқ йўналтирилган ҳолда фаолият кўрсатувчи шахс сифатида шаклланишини таъминлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосини “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” ташкил этишини алоҳида эътироф этиш лозим. Ютрбошимиз томонидан таклиф этилган кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган ушбу модели бугунги кунда ҳақли равишда “Ислом Каримов модели” номи билан дунёга машхур бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделлининг фарқли хусусиятлари шунданки, у ўзидан қуйидаги асосий комонентларини мужасамлаштиради: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш. Модел мустақил ижтимоий иқтисодий воқелик сифатида ўз мазмуни ва тузилмаси жихатдан дунё амалиётида учрамайдиган янги тизим ҳисоблананди, таркибий қисмлари эса ўзаро ҳаракатда, тўғри ва тезкори алоқаларда бўлиши шахс ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги замон педагогикаси шахс камолотида, унда юксак касбий ва инсоний фазилатларни таркиб топтиришда анъанавий таълим жараёниларини модернизациялаш, ислоҳ қилиш вазифасини ҳал қилмоқ лозим. Ана шундай ислоҳотлардан бири сифатида янги педагогик технологиялар вужудга келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 8-21 бетлар
2. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Олий таълим Меъёрий ҳужжатлари . – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 3-18.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

3. “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. // Халқ сўзи газетаси, 2005, 3-июн.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши. // Халқ сўзи. 2001 йил 5 январь
5. “Ёшлар йили” давлат дастури 2008йил 29 феврал П.Қ-805 қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

6. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар: Ш. Қурбонов, Ҳ. Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Т.: Шарқ НМАК. 1999. – 148 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 48 б.
8. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 40 б.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 112 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 48 б.

- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
- 12.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Т.: Ўзбекистон,2011.-48 б.
- 13.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.

IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

- 14.Зуннунов А. Педагогика тарихи /Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Фан, 2004. – 335 б.
- 15.Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика / Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004. – 182 б.
- 16.Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи /Педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунун талабалари учун дарслик. – Т.: Миллий кутубхона нашриёти, 2005. – 320 б.
- 17.Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари /Қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
- 18.Ўзбек педагогикаси анталогияси I-II т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000)
- 19.Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: ОТМИ, 1999. – 84 б.
- 20.Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.
- 21.Қуръони Карим. //Ўзбекча изоҳли тарж. Тарж. Ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1992.
- 22.Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танл.асарлар.– Т.: Фан, 1 т. 1968. – 488 б.
- 23.Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.
- 24.Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар /Тузувчи А.Зуннунов. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 271 б.

25. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М. Абдуллаева, Г. Абдураззокова ва бошқ. А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.— Т.: Шарқ НМАК, 2000. — 320 б.
26. Абдуллаев Х.А. Ўқувчи ёшлар маънавий тарбиясининг илмий — услубий муаммолари бўйича тавсиялар. Фарғона. 2009 й.
27. Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. —Т.: Камалак, 1991. -б.

V. Илмий журналлар, даврий нашрлардаги мақолалар:

28. Жўраев Р.Ҳ., Сафарова Р.Ғ., Мусаев У.Қ. Педагогика фанлари концепцияси // Халқ таълими ж., 2004, №5. — 8-32-б.
29. Жўраев Р.Ҳ., Ибрагимов Х.И. Педагогик жамоанинг инновацион фаолияти. Халқ таълими журнали. - 2004.- №2. —4-8 б.
30. Ибрагимов Х. Оила тарбиясида миллий хусусиятларини ҳисобга олиш. Халқ таълими. —Т.: 2004 й. №5

VI. Интернет сайтлари

<http://rc.nsu.ru/> - Педагогический журнал

<http://som.fsio.ru/> - сетевое объединение методистов

<http://www.klass-teatr.ru> - театральная педагогика

[http://www.Ziynet- O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi](http://www.Ziynet-uzbekiston-respublikasi-oliy-va-o-rta-maxsus-ta-lim-vazirligi)

<http://mahorat.uz>- Pedagogik mahorat portali

<http://ipk.ripo.unibel.by/graj/kyrator.html>- воспитательные мероприятия

Иловалар

Таълим воситалари - ўқув материални кўргазмани такдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материални кўргазмани намоиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошқ.

Ўқув - услубий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар.


Графикли органайзерлар (ташкил этувчи) – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситаси.

Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий булиб чиқиш, урганилаётган тушунчалар (вокеа ва ходисалар, мавзулар) уртасидаги алоқа ва узаро боғлиқликни урнатиш усул ва воситалари: **Кластер, Тоифалаш жадвали, Инсерт, Б/Б/Б жадвали**


Маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослаш усул ва воситалари: **Т-жадвали, Венн диаграммаси, концептуал жадвал**

Муаммони аниқлаш, уни хал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари ва воситалари: **«Нима учун?», «Балик скелети», «Пирамида», «Нилуфар гули» схемалари, «Кандай?» иерархик диаграммаси, «Каскад» таркибий-мантикий схема**


А. Кластер усули



1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб турунг.




Инсерт жадвали



Мавзу: Душман билан юзма-юз келиш ҳолатида ҳужумга ўтиш

V Мен билган маълумотларга мос;	+	-	? мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.
Душман билан юзма-юз ҳолатида ҳужумга ўтиш бошланғич ҳолатдан бошланади	Ҳужумга тайёрланиш вақтида аскар ўзининг ҳамда гуруҳнинг вазифасини англаб олади.	Пиёданнинг жанговар машинаси бу вақтда душманга қараб ўқ очади, гуруҳнинг мина-портловчи ғовлардан ўтишини таъминлайди.	Агар “Қурол ўқлансин” командаси берилган бўлса, автомат сақлагичга қўйилганини текширади, найза-пичоқ чиқариб олинади.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ



Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ



Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Мавзу: Бирдан хужумга ўтиш

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Бирдан хужумга ўтиш олидан аскар ўз гуруҳи таркибида командир кўрсатган жойга яширинча жойлашади	Бажарилаётган вазифада ҳаракатланишни	Бажарилаётган вазифага, жой харкатери ва вазиятнинг бошқа шартларига кўра аскар мотоўқчи гуруҳ таркибида пиёданнинг жанговар машинасида, пиёда ёки танкда десант ҳолида ҳаракатланишини

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ




КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛдан лавҳа.

Мавзу: Пийданинг жанговар машиналари

Жанговар машина номи	Хусусиятлари	Афзалликлари	Камчиликлари	Ножўятасири
БМП-1	У оловли қудратлиликни, шахсий таркибни жанг майдонида ҳимояланиши ва ҳаракатчанлигини оширади намда вазиятнинг ҳар хил шароитларда муваффақиятли ҳаракатланишга имкон яратади.	Танкка қарши бошқарувчи ракета, 73 мм.ли силлиқ стволли танкка қарши тўп ва унга жуфтлаштирилган 7,62мм.ли ПКТ пулемёти билан қуролланган		
БМП-2	У оловли қудратлиликни, шахсий таркибни жанг майдонида ҳимояланиши ва ҳаракатчанлигини оширади намда вазиятнинг ҳар хил шароитларда муваффақиятли ҳаракатланишга имкон яратади.	30 мм.ли автоматик тўп, 7,62мм.ли ПКТ пулемёти, танкка қарши бошқарувчи ракета учун учириниш қурилмаси билан қуролланган		

ВЕННА ДИАГРАММАСИ



ВЕНН диаграммаси бўйича намуна


Мавзу: *Пиёданинг жанговар машиналари*




“Балиқ скелети” чизмаси



“Балиқ скелети” чизмаси - Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради (лавҳа)



“Қандай?” диаграммаси



«Қандай?» диаграммасини қуриш қоидалари

1. Кўпгина ҳолларда муаммони ечишда “нима қилиш керак”лиги тўғрисида ўйланиб қолмаслигингиз керак. Асосан муаммо, уни ечишда “буни қандай қилиш керак?”, “қандай”асосий саволлар юзага келишидан иборат бўлади.

“Қандай” саволларининг изчил берилиши қуйидагилар имконини беради:
муаммони ечиш нафақат бор имкониятларни, балки уларни амалга ошириш йўлларини ҳам тадқиқ қилиш;

қуйидан юқорига босқичма-босқич бўйсунадиган ғоялар тузилмасини аниқлайдилар.
Диаграмма стратегик даражадаги саволлар билан ишлашни бошлайди. Муаммони ечишнинг пастки даражаси биринчи галдаги ҳаракатларнинг рўйхатига мос келади.

2. Барча ғояларни ўйлаб ўтирмасдан, баҳоламасдан ва таққосламасдан тезликда ёзиш керак;

Диаграмма ҳеч қачон тугалланган бўлмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин;
Агарда чизмада савол унинг “шоҳларида” бир неча бор қайтарилса, унда у бирор муҳимликни англатади. У муаммони ечишнинг асосийси бўлиши мумкин;

Янги ғояларни график кўринишда: дарахт ёки каскад кўринишидами, юқоридан пастгами ёки чапдан ўнгга қайд қилинишини ўзингиз ҳал этасиз;

Агарда сиз ўзингизга тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди

👉 **Мисол. Иерархик диаграмма “Қандай?” – Муоммони ҳал қилиш усули ва воситаси (лавҳа)**

